

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 76-77 (6916-6917)
1998 йил 29 сентябрь, сешанба

Сотувда эркин
нархда

ЎЗИНГИЗГА ҲАММАСИ МАЪЛУМ, МУАЛЛИМ...

Шунинг учун ҳам муаллимларни отага, муаллималарни онага қиёслашади-да!

Шунинг учун ҳам оламда энг улуг зот — она: Яна улуг зот — ота. Яна улуг зот-чи? — деб суралганда эса бежиз, — «муаллим!» деб айтишмайди-да!

Мактаб ҳамиша болаларнинг қий-чуви, туполони, ҳаяжону ҳайрати билан — мактаб. Муаллимларнинг ешлиги билан ҳам! Бир тасаввур қилиб қуринг: Сиз уқитган мактабда эҳтимол, отангиз ҳам уқиган. Отангизнинг отаси ҳам. Сизни уқитаётган муаллим отангизга ҳам, бобонгизга ҳам сабоқ берган. Улар катта йулга, мустақил ҳаётга учирма булиб, касб-хунар эгаллаб, рузгор теб-ратадиган — ота ёки бобо булишди. Муаллим эса — ҳамон уша муаллим, НАВҚИРОН болакайлар билан бирдек НАВНИҲОЛ. Ҳа, болаларга бола булиб гапирмасанг сенинг айтганларингни ҳам кўп қилаверишмайди.

Тенгдош булиб ақл ургатмасанг ҳам йуригинга ҳар доим юраверишмайди. Шунинг учун ҳам баъзан биз мухбирлар мактабларга бориб директорни топиб беринг, деб турсак, бизга болалар билан тўп тегиб, қаро терга тушган, шим почалари шимарилиб, тупроқ-чангта ботганлар «менман — директор» деб ҳижолат билан ўзларини таништиришади.

Мактаб тажриба ер май-

Севинчларим Сиздан, муаллим;

Ҳарфни танитдингиз.

Наинки ҳарф, ўзимга

ўзимни танитдингиз,

ўзингизга ҳаммаси маълум муаллим...

Ҳа, муаллимларга ҳаммаси маълум: Дарсда уйдаги қувонч ёки кўнгилираликлардан гаранг ўтиришинг, ҳаёлдаги бекорчи ўйинлар, кимнидир шодлантириш, алдаш ё кўрқитиш билан ўкинч ё севинч топган лаҳзалар, ҳамма-ҳаммаси маълум!



дончасида бошига дурра ураб, уқувчилар билан ишга киришиб кетган қизалоқ ҳам мактабнинг битирувчиси эмас,

балки яқинда биология уқитувчиси булиб келган «опой» булиб чиқиши ҳам оддий, одатий ҳолдир.

Ҳа, биз муаллимларни сабоқ ургатиш борасида ўзи ҳам болалик сабоғидан мам-

нун ва масрур ҳолатда жуда кўп учратганмиз. Сиз ҳам уларга разм солинг: Сочлари сизнинг гамингизда оқармадимикан? «Нега дарс қилмай келдинг, сенга энди ёмон баҳони яна қандай қилиб қўяман. Ахир уқисанг — биласан-ку, билимдон буласан-ку», — деб жовдираб турган муаллимларингизга бир қаранг, Сизга фақат яхшилик соғинишади. Шу соғинч эвазига сиз билан кайфиятлари гоҳ баланд булади, гоҳ чоғга тушади. Ахир уларнинг сизнинг қувонч ва ташвишларингиздан ташқари — оила, бола-чақа, мол-ҳол... дегандек, олам жаҳон орзу режалари, турмуш уринишлари ҳам бор-ку. Лекин нега улар Сизларга бунчалик кўйинчак, бунчалик сўйгумчак? Чунки улар сизнинг ҳис — туйғуларингиз, ҳолат ва ҳайратларингиз билан бирга нафас олишади. Чунки улар — фидойи муаллимлар!

Муаллимлар байрами — 1-октябрда биз ҳам улар билан бирга дам олар эканмиз, байрам кайфиятини йилнинг ҳамма фасллари, ҳар бир куни, дақиқаларида уларга қайтариб бериш учун ҳаракат қилайлик. Чунки сизнинг шу йўлда қилган ҳаракатларингизнинг ҳамма-ҳаммаси ҳам муаллимларга маълум...

Касб байрамингиз — Сизга оилавий хотиржамлик, шогирдлар муваффақиятларидан қувонтирувчи мунаввар кунларни олиб келсин, азиЗ МУАЛЛИМЛАР!

Умида МУРОД қизи

Меҳр нури ёғар доим юзингиздан устозлар, Юрсам дейман шу

табаррук

изингиздан устозлар!

— Ушбу шеър билан синфдошимиз Гулбахор тантанани очиб берди. Қандай тантана дейсизми? Келинг ҳаммасини бошидан айта қолай...

Эрталаб синфга киришимиз билан синфбошимиз Замира:

— Болалар, қизлар кеча телевизорда Сожида опамизни курсатишди,

кўрдинларми? — деб қолди. Биз гала-говур қилиб бу ҳақда гаплашаётганимизда кўнгироқ ҳам чалиниб қолдию, синфга адабиёт уқитувчимиз кириб келдилар.

— Ҳа, Замира рост гапирпти, — дедилар Инобат Қурбонова, — Ҳаммамизнинг севимли устозимиз, мактабимиз директори Сожида опа Фозилова «Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси» деган унвонга сазовор бўдилар. Бу

унвон билан умрини таълим-тарбияга бахшида этган, болажон, фидойи инсонларгина тақдирланадилар. Келинлар, устозга атаб бир «сюрприз» ҳозирлайлик...

Мактабимиз ҳовлиси устозни қутлаш учун келган собиқ уқувчилар-у, уқитувчилар, ота-оналар-у ва яна бошқа меҳмонлар билан гавжум бўлди. Мактаб бадий ҳаваскорлик тугарагининг раҳбари Абдурашид Тураев

бошчилигида тайёрланган куй-қушиқлар, жозибали рақслар кечага узгача файз олиб кирди.

Сунгра туман Халқ таълими бўлими вакили Гулсара Холматова, мактаб ота-оналар комитетининг раиси Раъно Йўлдошевлар сузга чиқиб, уз тилақларини билдирдилар.

Биз 10-«В» синф уқувчилари меҳрибон устозимизни севимли газетамиз «Тонг юлду-

ЮКСАК УНВОН МУБОРАК!

зи» орқали қутлашга жазм қилдик.

Устоз мураббий Сожида опа! Сизга узоқ умр, соғлиқ-омонлик тилаймиз. Ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашдек шарафли ва масъулиятли ишингизда муваффақият, эзгу — нијатларингиз руёбга чиқишига тилакдошимиз.

**Шухрат ДАВЛАТОВ,
Сурхондарё вилояти,
Узун тумани,
3-мактаб ўқувчиси.**



Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги 197 — мактабга қувончли хабар тарқалди. «Халқ таълими аълочиси», Методист ўқитувчи Азизжон ака Юсупов «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирландилар.

Азизжон ака 1971 йилдан бери халқ таълими соҳасида ишлаб келаяптилар. Низомий номли Тошкент Давлат олийгоҳида, шу билан биргаликда 197—мактабда физикадан болаларга сабоқ бераётдилар. Уларнинг 30 дан ортиқ методик тавсиялари, — қўлланма ва рисолаларидан республика мактабларидаги физика ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари фойдаланиб келмоқда.

— Республикада кейинги йилларга таълим тўғрисида иккита муҳим ҳужжат — «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.

— Эски қонунга қўра физика, математика каби аниқ фанлар ҳафтада 6 соат урнига беш соатга туширилганди. Шу тариқа болаларнинг билими талаб даражасида бўлмади. Хатто утган йили фан олимпиадаларида физика йўналиши бўйича голиб топилмади.

Бизда физика дарсида кўпроқ назарий томонга эътибор бе-

Ўқитилмиш Карвонлар Бор

рилади — дейди устоз. Масалан, механик тебранишлар мавзуси. Унинг бир қанча формулалари бор. Ўқитувчи ўқувчидан ана шу формулаларни эслаб қолишини талаб қилади. Аммо физик моҳиятига қўнам эътибор берилмайди. Бу эса болаларнинг фикрлашига, тасаввур қилишига қийинчилик туғдиради.

Тебранишлар мавзусини оддий гап билан физик тушунчасини таърифлаш мумкин. Масалан, механик тебранишлар деганда мувозанат вазиятдан чиқарилган жисмнинг гоҳ бир томондан, гоҳ иккинчи томонга қиладиган ҳаракати механик тебранишлар дейилади. 7—8-синфларда ана шу йул билан, 10—11-синфларда эса чуқурлаштирилиб утилса яна яхши.

— Чет мамлакатларнинг ўқув қўлланмалари билан танишганингизда улардаги сизга маъқул бўлган жиҳатларига тўхталсангиз.

— Америка, Германия, Франция, Туркия давлатларининг дарсликларини кузатсак уларда мустақил фикрлашга кўпроқ эътибор берилади. Дарс утиш жараёнида ҳар бир мавзу ҳаёт билан боғланади. Натижада, ўқувчиларнинг тафаккур, тасаввур қобилиятлари кучли булади. Қолаверса, амалий сабоқ болаларнинг ҳеч қачон едидан кутарилмайди.

— Азизжон ака, илгари «Алдагани бола яхши» мақолимиз бор эди... ҳозирги етти ёшли

болага шу мақолни ишлатсангиз яхшигина алдоқчига чиқасиз. Буни мен етти ёшли ўғлим мисолида ҳам кўп кузатаман. Назаримда бугунги кунимизга келиб бу мақол эскирдимики? Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Ҳозирги ўқувчининг фикри, дунёқароши бутунлай узгарган. Биз уларга фақат тўғри сузни айтишимиз лозим. Ана шундагина олдимизга қўйган мақсадимизга эришамиз. Акс ҳолда...

70 йил мобайнида биз катталарга ҳам «Алдагани бола яхши» мақоли ишлатилди. Уз тарихимиз бузиб ургатилди. Қадриятларимиз топталди. Ҳатто бу вақтларда қўпгина узбек оилалари уз фарзандларини рус мактабларига ўқишга бердилар. Натижада бу ўқувчилар уз тилларида бемалол гаплашолмай қолдилар.

Қаранг-а, биз уша вақтларда қўпол қилиб айтганда жар ёқасига келиб қолган эканмиз. Ана шундай мушкул вазиятдан истиқлолимиз туфайлигина чиқиб кетдик. Бизларга берилган бу улуг неъмат — Мустақилликни мустаҳкамлаш

болажонлар қаторида мураббийларнинг ҳам олий мақсадилик.

— «Тонг юлдузи» орқали газетхон фарзандларингизга нималар дейишни хоҳлардингиз.

— Аввало уларга ана шу яхши кунларнинг қадрига етишларини истайман.

Илмга интилувчи болажонларга эса бу йулда сабр-



бардош ва қаноат тилайман. Мирзо Бедилнинг ушбу мисраларини жуда—жуда айтгим келади.

Бу даштда интилиш
карвонлари бор,
Йўловчи шиддати
нишонлари бор.
Қамолга бир йўла
етиб бўлмайди.
Тўли оё йўлида
нарвонлари бор.
Сухбатдош Феруза
ОДИЛОВА.

МЕНИНГ СЕВИМЛИ ЎҚИТУВЧИМ

Менинг энг сеvimли ўқитувчим — физика фани ўқитувчиси Жалилова Палина Изетовна.

Авваллари менга физика фани унчалик қизиқ бўлиб туюлмади. Аммо лекин, кейинчалик шу ўқитувчини яхши куриб қолганимдан сўнг, бу фанга қизиқишим яна ҳам ортди.

Палина Изетовна мактабимизда аниқ қанча ишлаганларини билмайман-у, аммо узимни, опаларимни, қўшниларимнинг болаларини ҳам ўқитиб, синф раҳбари бўлиб, мактабни битиртириб, уларга катта ҳаётга оқ йул тилаб хайрлашганлар.

Бизнинг мактабимизда фидойий, муаллимлар жуда кўп. Лекин, юрагимнинг бир четидан мен ҳар доим ишонадиган, маслаҳатгўйим, 2-ойижоним, дугонам, зукко, меҳнатсевар Полина Изетовна Жалилова турсинлар.

Устоз деганда катта маъно бор. Устоз бўлмаганда шогирд ҳам бўлмас эди. Устоз-шогирд занжири ҳаёт пайдо бўлгандан буён бор бўлса ажаб эмас. Устоз ва шогирдсиз ривожланиш ҳам бўлмайди.

Мактабимиз ўқитувчиларининг 35 фоизи шу ўқитувчи билимларидан баҳраманд бўлганлар. Мен келажакда ўқитувчимнинг ишини давом эттирмоқчиман. Ўқувчимиз бизга доим, ақлни такомиллаштириш учун едлаб олиш эмас, балки кўпроқ фикр юргизиш керак, — деб қайта-қайта ўқитардилар.

Яхши инсон, ўқитувчи ҳақида қанча гапирсанг, шунча оз. Мен азиз устозим олдида бир умр қарздор бўлиб бошимни эгаман.

Умида ТЎҚЛИБОЕВА,
Боғишамол тумани,
9-мактаб 9-А» синф
ўқувчиси.

Кўзингизда нур порлар,
машғаласи илмдир.
Сўзингизда нур маъно, боис
она тилимдир,
Қалб чирогини ёқувчи —
сўйганингиз қаламдир,
Хазинангиз китобу,
шукронаси билимдир.
Мадҳингизни куйлашга
бугун дарёдай тошай,
Тили бийрон устозлар,
ўхшасам, сизга ўхшай.

Инсон бир умр орзу-умидлар дунёсида яшайди. Мактабга қадам қўйганимдаёқ биринчи муаллимим Шарифа Абдуқодировга меҳрим тушган. Боғчадаги уртоқларим 7 ёшга тулиб, папкаларини кутариб ўқишга чиққанларида мен 6 ёшда бўлиб, улардан ажралиб қолдим. Зурга бир ҳафта боғчага қатнадим, кейин онамга харҳаша қилавериш ун кўнлар утгач, ўқишга шартли қабул қилиндим. Шунда устозим «Ҳаракат қилиб, яхши ўқисанг, уртоқларингдан ажралиб қолмайсан, бўлмаса, яна боғчанга қайтасан» деганларида, «Йўқ», — деб уларни ачомлаб олганман. Устозим ҳам бағриларига босганлар. Шундаги ҳароратни ҳамон эслайман. Уртоқларимга ушанда «Ўқитувчим мени яхши қурадилар», — деб мактанганман. Ҳақиқатан, Шарифа она ҳаммамизни уз болаларидек қурадилар. Аълочи ўқувчиларга китоблар совға қилардилар. Уша вақтда ўқитувчимизнинг китоб, сум-

ЎХШАСАМ, СИЗГА ЎХШАЙ

каларини уйларида кутариб келишга навбат талашардик. Мен доим орзу қилардим:

ЎХШАСАМ, УЗТОЗИМГА
ЎХШАЙ, деб.

Сиздан қарздор зотлар кўп,
фан йўлини очгансиз,
Тоғдай улкан давондан бир
қадамлаб ошгансиз,
Лозим бўлса меҳрингиз
қўёшдайин сочгансиз,
Илм ўргатсам дея
бахордайин тошгансиз,
Мадҳингизни куйлашга
бугун дарёдай тошай,
Меҳри уммон устозлар,
ўхшасам, сизга ўхшай.

Бошланғични битиргач, 5-синфдан Собир Раҳимов туманидаги 133-мактабда ўқий бошладим. Мактабимиз янги очилган, ниҳоятда чиройли эди. Синфда 45 ўқувчи ўқирдик. Мактабимиз директори Гуломназир Жалилов (жойлари жаннатда бўлсин) ҳаммамизни сизлаб гапирардилар. Балки шунинг учун мактабимизда сизлаб гапириш урф бўлгандир. Шу вақтгача синфдошлар ҳам сизлаб гаплашамиз+ Мактабга кираверишда қатор деворий газеталар, «Тозалик ойнаси», «Судралувчилар» номли танқидий газеталар турарди. Қирган одамнинг кузи дарҳол шуларга тушарди. Кечга қолиб келган ўқувчиларнинг исм-фамилияси судралиб кетаётган тошбақа расмининг ёнига ёзи-

ларди. «Тозалик ойнаси»га эса ҳар бир синф тозалигига навбатчи синфлар қўйган баҳо ёзиб қўйиларди. Ҳар куни дарсдан сўнг узимиз хоналарни тозалаб, навбатчи синф ўқувчиларини кутардик, то синф тозалигига «5» қўйдирмагунча тинчимасдик.

Синфимизда атир ҳиди уфурарди, бу қизлардан эмас, полдан анқирди. Сабаби, сиёҳли авторучкада ёзардик, у вақтда шарикли ручкалар йўқ эди. Кўпинча ручкамиздан сиёҳ томиб кетар, шунда дарҳол сумкамиздан атир олиб, сиёҳ доғларини кетказардик. Доска ёнида доим қўл артиш учун сочик, синф бурчагида оппоқ раковина бўлиб, иссиқ-совуқ сув буларди. Жумрак бузилганини, сув беҳуда оққанини эслай олмайман. Ҳозир айрим ўқувчилар шприцда сув олиб сепиб юрганларини курсам, яхшиямки синфда сув йўқ, бўлмаса дарё бўлиб оқарди» деб уйлайман. Математика ўқитувчимиз Гайбулла Зикриллов доим оппоқ қўйлак, қора костюм-шим, галстук тақиб юрардилар. Доскага ёзишдан аввал чунтақларидан оппоқ даструмол чиқариб, бурни ураб олиб, сўнг ёзардилар. Ёзиб бўлгач, албатта қўлларини ювардилар.

Она тили ва адабиёти устозларимиз бири-бирдан билим-

дон утқир эдилар. Зухриддин Зуфарович жуда паст овозда деярли шивирлаб гапирардилар. Гапларини эшитмай қолмайлик дея бутун вужудимиз қўлоққа айланиб тинглардик. Муборак Ҳамидхужаваниннг эса дид билан кийинишларига ҳавас қилардик. Баланд бўйли, қош-қўзлари қош-қора бу устозимиз директор бўлсаларда, бир соат ҳам дарсларини канда қилмасдилар. Доимо оқ кофта, қора сарафан кийиб, сочларини бошларига чамбарак қилиб олардилар. Тил дарсларини марок билан утардилар. Жаъфар ака Маърупов эса «Маърифат» газетасида ишлаш билан бирга бир қаторда бизга дарс берардилар. Ҳар бир дарсни режа билан тушунтирардилар. Фикрларини далиллар билан исботлардилар. Сабриддин Садриддинов эса шоир табиат бўлиб, газал, шеърга муҳаббат уйғотганлар.

Мактабимизда яна бир яхши анъана бор эди. Ҳамма ўқувчилар қишда, баҳорда синфда уй шиппагини киярдилар. Талабчан, қаттиққўл директор уринбосари Далавой Турсунов, Адашхон Тухтаева ва навбатчилар эшик ёнида туриб формани текширардилар. Халтачада олиб келган шиппагимизни кийиб олардик. Қишқи оёқ кийимларини эса шкафта қўйиб, уйга қайтаётганимизда

яна кийиб олардик, ҳар куни тапочкамизни кутариб келиш бизга малол келмасди. Баъзан ўғил болалар тапочкаларини синфда қолдириб кетардилар. Биз қизлар шухлитимиз тутиб, 3-қаватдан тапочкаларни пастга қараб отардик. Улар тапочкаларини кийиб, синфга кирардилар. Мактабимизда гард йўқ эди.

Ҳамон шундай мактаблар бўлишини орзу қилиб, сеvimли мактабимни қўсаб ўқитувчилик қилмоқдаман. Ҳамон уша меҳридаре устозларим дарсларига ухшатиб дарс утишга ҳаракат қиламан. Ҳамон тилимда шу сатрлар:

Давраларнинг тўрини
муносиб кўрмай ўтган,
Гоҳ қувониб, гоҳида алам шаро-
бин

тотган,
Кўлларида бўр юқи,
бармоқда сиёҳ қотган,
Дафтар узра кўз толса,
тун йўқолиб, тонг отган,
Мадҳингизни куйлашга
бугун дарёдай тошган,

Қалби осмон устозлар,
ўхшасам, сизга ўхшай...
Бу кун жонажон мактабимнинг 30 йиллиги нишонланаётган кутлуғ йилда номлари тилга олинмаган, аммо қалб ардоғидаги сеvimли устозларим қошида ҳам таъзим қиламан.

Ўхшасам, сизга ўхшай, азиз устозларим!

Маҳмуда ВАЛИЕВА
Тошкентдаги
274-мактаб муаллимаси.

Алпомишнинг танинчиси

Азиз болажонлар! Ушбу мақолага узоқ вақт қўл уролмадим. Юрагимда бир ҳадик бор эди. Ёдимда бор, мен 4, 5, 6 синфларда ўқиб юрганымда ўзбек халқ дostonларининг салкам ҳаммасини, (уша пайтларда матбуотда эълон қилинган, қисмини) қайта-қайта ўқиганман.

Мақтаб кутубхонасида, уртоқларимдан олиб, бошқа кутубхоналардан излаб топиб, ўқир эдим.

Қизиги шуки «Маликайи айёр», (бу асарни мен шу номда ёдда сақлаб қолганман) дostonини жуда қийин қўлга киритганман. Уни ўзимга тушган тийинларни йигиб сотиб олган эдим. Уша йиллари, яъни 1955—60 йиллари бу тийинларни йигиш мен учун жуда амри маҳол эди. Менинг бу сузларимни тўғри тушунишингиз учун биргина мисол келтирай. Бир байрамда катталардан 50 тийин олиш учун эрталабдан то тушгача йиглашга тўғри келган эди.

Энди мулоҳазага бориб ушбу мақолани ёзмай юрганымнинг сабаби, бугунги кунда болалар китобларни қандай сотиб олишяпти. Улар ҳам китобга қизиқишяптими, деган саволлар эди. Албатта, аминманки, ҳозир ҳам кўпчилик болалар китоб ўқишади ва бунга имконлари ҳам бор. Энди ўзбек халқ дostonларига келсак, бу масала анча қийинлашди, уларнинг нашри камайиб кетди, чоғи.


Мулоҳазага бориб мақолани ёзмай юрганымнинг яна бир сабаби, ҳозирги ёшлар, бугунги кунда 5—6, синфда ўқиётган болалар ҳам ўзбек халқ дostonларини ўқияптими, — деган савол эди. Чунки бугунги кунда дostonларни ўқишнинг ўрнига замонавий киноларни куриб утириш анча осонда, ахир.

Ҳозирги замон киноларига келсак, сизлардан қайбирингиз чет элликлар мультфильм қилган «Денгизчи Синбад» фильмининг муаллифини биласиз? Ахир бу асарни Самарқандлик Заҳри Самарқандий XII асрда Самарқандда яратган. Узларингиз билмасангиз бу ҳақда бирон мактабда бирон ўқитув-

чи бу ҳақда сизларга айтган бўлса бизга ёзиб юборинг.

Ушбу саволлардан кейин сиз билан буюк меросимиз «Алпомиш» ҳақида суҳбатлашмоқчиман. Мақолани одатдагидай баён тарзида эмас, савол-жавоб шаклида ёзишни хуш кўрдим. Ушбу мақолани бир киши булиб ўқишдан кўра бир неча киши ёки бўлмаса бутун синф билан ўқиган маъқул булса керак.

Айтингчи, Алпомиш дostonининг бош қаҳрамони ким? Яъни унинг исмини биласизми? Бу исми унга ким қўйган?



Шаҳар мактабларидаги болалар билмаслиги мумкин, айтингчи Алпомиш қачон бешиктерти қилинган ва бешиктерти тушунчасининг ўзи нима?

Алпомиш ўзидан аввал ўтган алпларнинг нечанчиси? Алпомиш бу лақабни кимдан олади?

Ва бунинг асосий сабаби нима эди? Алпомиш неча ботмон ёйни кўтаради ва бу ёй кимники эди? Айтингчи, дostonдаги ботмон сўзи ҳозирги оғирлик ўлчов бирлигида қанчага тенг?

Ҳозирги кунда — асар тарихи ҳақида гаплар кўп, маълумки, бизда Алплар ҳақида дostonлар халқнинг қандай кишилари томонидан, доимо айтиб, қуйлаб келинган. Бу бир неча минг йиллик тарихий муддатга келсак ҳозирги Алпомиш дostonининг ушбу варианты халқ... томонидан кам деганда еттинчи аср чегарасида қуйланган.

Сабабини айта оласизми? Бидъат, закот сўзларининг

таржимасини биласизми?

Шундай экан дostonимизнинг ушбу варианты ҳам мана бир минг икки юз, бир минг уч юз йиллик тарихига эга.

Шундай экан ўзбекларнинг тарихини ун бешинчи асрдан бошловчиларга бу алоҳида танбех. Ахир соф ўзбек тилида халқ бахшилари томонидан қуйланиб келинган ушбу асаримизнинг узигина мингйиллик тарихига эга-ку. Ўзбек халқи қўшни халқларга доимо хурмат билан қараб келган. Мана шундай дostonда ҳам қўшни қалмиқ халқи тўғрисида кўп

Алпомишни келиб қолади деган умидда бу алпларни узидан қочиради ва уларга ҳархил мусобақалар уйлаб топади. Шу мусобақалардан бири ўзимизнинг азалий уйинлардан — бу пойга.

Энди сизга савол, ушбу пойгада нечта от қатнашган?

Пойгада алпларнинг оти билан бирга Алпомишнинг оти (номини айтинг) ҳам қатнашади ва бу отни ким миниб қатнашади. Шу ўринда Алпомишнинг отининг онаси...ни эслай оласизми?

Айтингчи, Алпомишнинг отини миниб қатнашган ботир Алпомишга пойганинг маррасига неча кунда етиб бораман дейди ва неча кунда қайтиб келаман дейди?

Барчинойнинг иккинчи мусобақаси — бу мерганлик. Шундай экан айтингчи, мерганлар танга пулни неча қадам узоқликка тикади?

Охирги саволлардан бири: Алпомиш қайтиб бориб қайнотасини қутқармоққа кетаётганда неча Алп бирга чиқади? Алпомиш сиз санаб ўтган йигитлар ва ким ушбу сафарга бирга чиқади? Демак, Алплар ҳаммаси бўлиб неча киши бўлиб йўлга отланишади?

Мана саволлар ҳам охир-



лаб қолди. Буларга жавоб топиш билган кишига қийин эмас.

Билмаган киши китобни ўқир, унутган киши, қайта ўқир.

Жуда бўлмаса буюк боболардан бири сизга маълумки, «Билмаганни сураб урганган олим, орланиб сурамаган узига золим» деган эди.

Ушбу саволларга тулиқ жавоб ёзиб юборган кишига **ШАХСИЙ СОВҒАМ БОР**. Шу жойда яна бир нарсани эсга солмоқчиман. Балки жавобни уч-тўрт билагон бола ёзиб юборар. Аммо жавобларнинг қанчалик кўплиги, муҳокамада қатнашган болалар сони ҳам бизни жуда қизиқтиради. Ушбу жавобларда биз ўқувчиларнинг, яъни бугунги кундаги ёшларнинг тарихимиз, аждодларимиз қолдирган меросга булган қизиқишларини ҳам билмоқчи эдик.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ

гап бор.

Айтингчи, ўша даврда қўшни қалмиқ халқининг подшоши ким бўлган?

Бугунги кундаги қалмоқ халқининг президентини биласизми?

Дostonда қалмиқ халқи ҳам камситилмай қуйланади. Айтингчи, қалмиқ алпларини, уларнинг онаси... кампирни биласизми? Ушбу кампирнинг неча алп ўғли тилга олинади?

Исmlарини айтинг?

Асар ажойиб тилда қуйланади, унда қизиқ-қизиқ воқеа тилга олинади. Мисол учун халқ қуйловчиси Бойсарининг неча ити бор эди деб эслайди ва уларнинг нечасининг номини тилга олади?

Маълумки Алпомиш қамоқда ётганида унга қалмиқ шоҳнинг қизи ошиқ бўлади.

Бу қизнинг исмини биласизми?

Бу пайтда қалмиқ шоҳнинг алплари Барчинойга ошиқ булишиб унинг ишқиди юришади. Барчиной



«Тонг юлдузи»га ҳар бир синф ўнтадан обуна бўлсин.

Азиз болалар! Олимларнинг башоратларига қараганда ХХI аср экология асри бўлади. Инсониятнинг узоқ тараққиёти давомида ва айниқса ХХ асрнинг иккинчи ярмида амалга ошган илмий-техника революцияси натижасида қўллаб экологик муаммолар ҳам келиб чиқди. Агар яқин келажакда бу муаммолар ҳал этилмаса инсоният экологик инқироз исканжасидан чиқолмай қолиши мумкин.

Ҳозирги кунда инсониятни ташвишга солаётган энг долзарб экологик муаммолардан бири иқлимнинг узгаришидир. Сунгги вақтда дунёнинг турли чеккаларида руй бераётган кучли ёғинлар, тошқинлар, сел, буронлар натижасида қўллаб инсонлар қурбон бўлмоқда. Мутахассисларнинг хулосаларига қўра охири юз йил ичида Ер юзи ҳарорати деярли бир даражага ошган. Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда ёғинлар миқдори кўпайди, ҳаво ҳарорати ошиб бормоқда. Тошкент шаҳрида уртача кўп йиллик ҳарорат бир даражага кўтарилган. Буларнинг ҳаммаси иқлимнинг узгаришидан дарак беради. Ҳўш, иқлим нега узгаришти ва унинг оқибатлари қандай бўлиши мумкин?

ОБ-ҲАВО ВА ИҚЛИМ

Биз ҳар кун и об-ҳаво қандай бўлиши ҳақидаги ахборотни эшитамиз. Об-ҳаво Ернинг ҳаво қобиғи — атмосферанинг маълум жой ва вақтдаги ҳолати бўлиб, тез узгариб туради. Иқлим деганда маълум жойда энг кўп қайтариладиган об-ҳаво хусусиятлари тушунилади. Масалан, биз Тошкент иқлими, Ўзбекистон иқлими, Осиё иқлими, Ер юзи иқлими каби ибораларни ишлатишимиз мумкин. Об-ҳаводан фарқ қилиб, иқлим жуда узоқ вақт давомида, аста-секин узгариши мумкин.

ИҚЛИМ НЕГА ЎЗГАРАЯПТИ?

Ер сайёраси ривожланиши тарихида иқлим турли сабабларга қўра узгариб турган. Иқлимнинг узгариши натижа-

сида қўллаб усимлик ва хайвон турлари бутунлай қирилиб кетган. Бундан 65 миллион йил илгари Ерда кичик осмон жисми-астероиднинг урилиши натижасида ҳавога қўллаб кул, чанг, тутун чиқиб қўеш нурла-

ИҚЛИМ ЎЗГАРСА НИМА БЎЛАДИ?

Мутахассисларнинг хулосаларига қараганда иқлимнинг узгариши салбий оқибатларга олиб келади. Ер юзи ҳарорати-

ОҒОҲ БУЛИШНИ БОЛАЛАР ШУҲУРИ УЗГАРАЯПТИ

ри яхши утолмай қолган. Хавонинг совиб кетиши ва усимликлар ривожланишининг секинлашиб қолиши оқибатида уша вақтда Ер юзида мутлақ ҳукмрон бўлган даҳшатли калтакесаклар — динозаврлар қирилиб кетган. Иқлимнинг узгариши инсониятнинг тақдирида ҳам муҳим роль уйнаган. Агар илгари иқлим табиий сабабларга қўра узгариб бўлса ҳозир бунинг сабаби нимада? Ҳозирги вақтда саноат корхоналари, транспорт фаолияти натижасида ҳавога миллиардлаб тонна карбонат ангидрид гази, метан, азот оксидлари ва бошқа газлар чиқарилмоқда. Бу газлар қўеш нурини утказида, лекин Ер юзасидан қайтган иссиқликни чиқармайди. Натижада «иссиқхона самараси» вужудга келади. Ҳаво ҳароратининг ортиши бугуналишнинг кучайиши, булутлиликнинг ортиши, ёғинларнинг кўпайиши ва бошқа узгаришларга олиб келади. Демак, ҳозирги кунда иқлим инсониятнинг ҳужалик фаолияти оқибатида узгаришти.

нинг ошиши натижасида музликлар эриб, океан сатҳи кўтарилаяпти. Агар аҳвол шундай давом этаверса, яқин келажакда миллионлаб одамлар яшайдиган қўллаб ерлар океан сувлари остида қолиб кетиши мумкин. Ҳаво ҳароратининг ортиши турли касалликлар-



нинг кўпайишига олиб келади. Қишлоқ ҳужалигида жаҳон буйича асосий экинлар ҳосили 20—30 фоизгача камайиши мумкинлиги башорат қилинган. Айрим жойларда сув танқислигининг келиб чиқиши, бошқа ҳудудларда ёғинлар миқдорининг ортиши кутилмоқда. Чулға айланиш жараёнларининг тезлашуви

амалга ошади. Марказий Осиё ва Ўзбекистонда ҳам салбий узгаришлар амалга ошиши мумкин. Орол денгизининг қуришида иқлим узгариши ҳам муҳим роль уйнайди.

га оширади деб ишонч билан айтиш мумкин.

Азиз болалар! Сизлар ҳам иқлим узгаришининг олдини олишга ўз ҳиссаларингизни қўшишингиз лозим. Бунинг учун кундалик ҳаётингизда қўйиладиганга эътибор беринг:

1. Электр энергиясини тежаб ишлатинг. Бу атмосферага тутуннинг камроқ чиқарилишига олиб келади. Чунки электроэнергиянинг 85 фоизи иссиқлик электростанцияларида газ, кўмир ва мазут ёқилиши ҳисобига ишлаб чиқарилади. Хонадонингизда табиий газ ва сувни фақат эҳтиёжга қараб ишлатилишини назорат қилинг.

2. Ахлат уюмларининг ёқилишига йўл қўйманг. Қўз ойларида хазонларни ёқилишининг олдини олинг. Бу билан атмосферага минглаб тонна заҳарли газлар чиқарилишини бартараф қилган бўласиз.

3. Дарахларнинг беҳуда кесилишига йўл қўйманг! Усимликлар карбонат ангидрид газини ютувчи манба ҳисобланади. Дарахт экин, парваришланг, боғлар бунёд қилинг! Қишда арча сотиб олманг, арчаларни сақлаб қолишга ўз ҳиссангизни қўшинг.

4. Агроф-муҳитга тутунларни кам чиқариши сўраб қорхона раҳбарларига мурожаат қилинг, мутасадди ташкилотларга хатлар жўнатинг.

5. Иқлим узгариши муаммосини синфингизда уртоқларингиз билан муҳокама қилинг. Уларга ҳозирги вазиятни тушунтиринг, амалга ошириш зарур бўлган тadbирларни, ҳар бир ўқувчининг вазифаларини белгилаб чиқинг.

Америкалик иқлимшунос олим Луис Баттан: «Агар одамлар тутунни камайтирмасалар, тутун одамларни камайтиради» деб бежиз айтмаган.

Огоҳ бўлинг! Сергак бўлинг! Фаол ҳаракат қилинг! Утоқларингизга урناк бўлинг!

ҲАСАН ТУРСУНОВ,
география фанлари номзоди, ТошДУ экология кафедрасининг доценти, иқлим ўзгариши бўйича халқаро лойиҳа катнашчиси.

Жасурбек Салоҳиддинов Республика Нафис Санъат лицейи миллий наққошлик бўлимининг 6-синф ўқувчиси. Аълочи. Кўп тинглаб, кам гапирди. Севган машғулоти: сўлим табиат тасвирини оқ қоғозда жонлантириш ва қўрганга қўз қўвнаб, руҳи дам оладиган нафис нақшлар чизиш. Бундан ташқари инглиз тили ва компьютер машғулоти ҳам унинг жондиди. Тез-тез «Оталар сўзи» ақлининг қўзи» қўрсатуви учун «катта» роллар ижро этиб келишга ҳам улғуради.

— Жасурбек, ёз фаслида расомлар кўпинча табиат қўйнида ижод билан машғул бўлади. Сен ҳам кичик расомсан-ку, Таътилни сен қандай ўтказдинг?

— Ёзда ойижоним ҳам ишдан «таътил»га чиқдилар. Кейин ҳаммамиз Андижонга — бувимларниқига меҳмонга бордик. Қариндош болалар бизни қирларга саёҳатга олиб

чиқдилар, чўмилишларга олиб бордилар. Биргаликда қизиқ-қизиқ китоблар ўқидик. Шоҳруҳ акам узлари ёзган шеърларидан ўқиб бердилар. Мен кўпроқ расм чиздим. Яна от минишини ҳам ўргандим. Чунки тоғамнинг пешонасида оппоқ қашқаси бор оти бор эди-да! У ҳаммамизга жуда ёқиб қолди. Уйга қайтганимизча укам Шаҳбознинг «Отни» «дом»имизга олиб кетайлик» — деб тўполон қилганини бир курсангиз эди.

— Сенингча қишлоқда яшаш яхшими ёки шаҳарда?

— Менга кўпроқ қишлоқ ёқади. Шарқираб оқаётган сой

шовурини тинглаб утиришни, осмонни қизғиш шуълага чўмдирганча ўзи қир ортига яширинишга шошаётган офтобни томоша қилишни ёқтираман. Мана шундай вақтларда мен ҳамма нарсани сув, ер, осмон ва ҳатто ерда ўрмалаб бораётган кичкинагина чўмлини ҳам яхши қўриб кетаман. Буни дадамга айтсам, улар: «Бу Ватанга муҳаббат туйғусидир» дейдилар.

— Айт-чи, сен дадангни мана шу гапларини қандай тушунасан?


— Опа, келинг Сизга бир воқеани айтиб берай... Дадим ёзувчи бўлганлари учунми, уйимизга

КАТТА

РАССОМ БИЛАН

КИЧИК СУҲБАТ

тез-тез ёзувчилар, актёрлар келиб туришди. Яқинда Туркиядан Собир Сайхон деган катта ёзувчи амаки ҳам келгандилар. У кишининг ота-боболари Ватанимизни урислар босиб олгандан кейин Афғонистонга, ундан Туркия-ю, Америкаларга кетишга мажбур бўлишибди. Собир амаки қўвғинга учраган йиллари ҳақида гапирганларида, Ватанни қўмсаб, уни соғиниб: «Ҳоқим Ватанимнинг бир кафт тўпроғига




яхши қўрардим. Кейинроқ сахнада туриб томошабинларни гоҳ йиғлатиб, гоҳ қўлдирувчи «сеҳрли» кўчга эга бўлган актёрларга қизиқиб қолдим. Бир гал «Оталар сўзи»нинг бошлиғи Мираббос амаки менга ҳам «тўполончи бола» ролини бердилар. Шундан бери баъзи вақтларда кичик-кичик ролларда катнашяпман.

— Унда келажакда ким бўлмоқчисан? — Рассомми ёки актёрми?

— Дадим Ботир Зокиров деган санъаткор ҳақида гапириб бергандилар. Уша киши ҳам қўшиқчи, ҳам рассом, ҳам актёр бўлган эканлар. Мен ҳам катта рассом ва актёр бўлмоқчиман.

— Мен ҳам Жасурга катта Омад тилаб хайрлашдим.

Дилрабо ДАВЛАТОВА
суҳбатлашди.



ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI


“Тонг юлдузи”га илова
иқтисодий газета



БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ УСТОЗЛАР!



ЖУ



УШБУ СОНДА:

„ИҚТИСОДИЁТДАН
САБОҚЛАР“
КОНКУРСИ
ДАВОМ ЭТМОҚДА

7-БЕТ

...ҳайвонот боғи хо-
димлари ҳар куни ул-
кан динозаврнинг
оғзини, ундаги тиш-
лар ораларини обдон
тозалаб қўядилар.
ДИНОЗАВР... ОҒЗИДА

8-БЕТ

БИР БОР ЭКАН,
БИР ЎЙҚ ЭКАН.
ПУЛ ДЕГАН
БЎЛГАН ЭКАН...

9-БЕТ

Ғалати бир радио-
грамма келади: “Ҳамма
ҳалок бўлди... Мендан
бошқа ҳеч ким тирик
қолмаган бўлса керак...”
**ДЕНГИЗНИНГ ҲАМ
ОВОЗИ БОРМИ?**


10-БЕТ


- Синфда яхши ёки
ёмон бола бор, деб ай-
тишларига унчалик
қўшилмайман. Фақат
бўшроқ ўзлаштирувчи ёки
шўхроқ ўқувчи бўлиши
мумкин.
**ИНТИЗОМЛИ ОИЛАДА
НАМУНАЛИ ФАРЗАНД
УЛҒАЯДИ**

11-БЕТ

ЎМИН МАЙДОҒИ

12-БЕТ





КРЕДИТ МЕХАНИЗМИ

КРЕДИТ МЕХАНИЗМИ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

Кредит механизми ҳўжалик механизмининг таркибий қисми бўлиб, ўз ичига кредитлаш шартларини, усулларини ва кредитни бошқаришни олади. Кредит механизми ёрдамида банк тизимининг кредит сиёсати амалга оширилади. Кредит механизмининг муҳим элементларидан бири кредит шартномаси бўлиб, у кредит муносабатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Кредит механизмининг муҳим элементларидан яна бири - кредитга лаёқатлиликидир. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини ҳисобга олган ҳолда кредит бериш, кредитни ўз вақтида қайтаришнинг муҳим шартидир.

Тижорат банки ўз фаолияти натижаси учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Кредит учун фоиз эса унинг асосий даромад манбаи бўлиб қолади.

КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИК ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

Кредитга лаёқатлилики деганда корхонанинг банкдан сўраган ссудани у ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олиш имконияти тушунилади.

Корхонанинг кредитга лаёқатлилигини ўрганиш тижорат банкига кредит бериш мумкинлигини аниқлашга, унинг миқдорини, фоиз ставкасининг даражасини белгилашга имкон беради.

Кредитга лаёқатлиликини баҳолаш корхонанинг ўзига ҳам катта аҳамият касб этади. Бу кўрсаткичларнинг таҳлиliga асослашиб, улар мол етказиб берувчилар, харидорлар ва банклар билан ўзаро муносабатларни ўрнатишлари мумкин.

КОРХОНАЛАРНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ АНИҚЛАШДА ҚАНДАЙ КўРСАТКИЧЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ?

Корхоналарнинг кредит лаёқатлилигини аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткичлардан икки йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

I. Асосий кўрсаткичлар.

Бунга қўллаш коэффициентлари ва корхона балансининг ликвидлиги коэффициентлари кирди.

II. Қўшимча кўрсаткичлар.

Бунга корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлик кўрсаткичи, ўз айланма маблағларининг мавжудлиги ва уларни моддий захиралар ва харажатларни ташкил қилишда иштирок этиш кўрсаткичи, айланма маблағларнинг айланиш тезлиги ва ҳоказо кўрсаткичлар кирди.

ҚОПЛАШ ВА ЛИКВИДЛИК КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛанаДИ?

Қоплаш коэффициенти қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_k = \frac{\text{Пул} + \text{Осон маблағлари} + \text{Осон сотиладиган талаблар}}{\text{Осон захиралар ва харажатлар}}$$

Қисқа муддатли мажбуриятлар

Қоплаш коэффициенти - барча ликвидли маблағларнинг қанчалик даражада қисқа муддатли мажбуриятларнинг жами йиғиндисини қоплаб олишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг услубий қўлланмасига кўра, қоплаш коэффициентининг юқори чегараси 2 дан кам бўлмаслиги, қуйи чегараси эса, 1 дан кам бўлмаслиги керак. Агар корхонанинг оборот активлари қисқа муддатли мажбуриятлардан 2 мартадан ошқ бўлса, у ҳолда бу корхона молиявий жиҳатдан мустақам деб ҳисоблаш мумкин. Агар коэффициентини 1 дан кичик бўлса, унда бу корхона ўзининг қарз мажбуриятларини тўлашга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ликвидлиги коэффициенти қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$L_k = \frac{\text{Пул} + \text{Осон маблағлари} + \text{Осон сотиладиган талаблар}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}}$$

Ликвидлиги коэффициенти жорий мажбуриятларнинг қанча қисми мавжуд ва дебиторлардан келиб тушиши лозим бўлган пул маблағларидан, қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва яқин уч ой ичида бошқа дебиторлардан ундирилган маблағлар ҳисобидан қопланишини кўрсатади.

ҚОПЛАШ ВА ЛИКВИДЛИК КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИ ҲИСОБЛАШДА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИНГ ҚАНДАЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ?

Балансининг ликвидлигини таҳлил қилишда айланма маблағларнинг қуйидаги учта гуруҳи ажратиб олинади:

I-гуруҳ - пул маблағлари;
II-гуруҳ - осон сотиладиган талаблар;
III-гуруҳ - осон сотиладиган захиралар ва харажатлар.

Пул маблағларига қуйидагилар кирди:

- касса;
- ҳисоб-китоб счёти;
- валюта счёти;
- бошқа пул маблағлари.

Осон сотиладиган талабларга қуйидагилар кирди:

- дебиторлар билан сотилган товарлар ва кўрсатиладиган ҳисоб-китоблар;
- тўлов муддати яқин 3 ой ичида бўлган ва олинган векселлар;
- корхонанинг ўзида тегишли корхоналар билан яқин 3 ой ичида бўладиган ҳисоб-китоблар;
- ходимлар билан "бошқа операциялар" моддаси бўйича 610-моддадан ошқича бўлган йиғинди юзасидан ҳисоб-китоблар;
- бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар;

● қайтарилиш муддати яқин 3 ой бўлган қисқа муддатли молиявий қўйилмалар.

Осон сотиладиган захиралар ва харажатларга қуйидагилар кирди:

- ишлаб чиқариш захиралари;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- келгуси давр харажатлари;
- савдо устамаси чегириб ташлангандан кейин товарлар қиймат;
- товарлар қолдигига нисбатан муомала чиқимлари;
- кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар (уларнинг эскириш йиғиндисини чегириб ташланган ҳолда).

КРЕДИТ ШАРТНОМАСИНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Кредит шартномасининг асосий талабларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- а) кредит мақсадли бўлиши шарт;
- б) кредитнинг йиғиндисини аниқ белгиланган бўлиши керак;
- в) кредитнинг қоплаш тартиби аниқ кўрсатилган бўлиши лозим;
- д) кредит муддати кўрсатилиши шарт;
- е) кредитнинг таъминланганлиги асосланган бўлиши лозим;
- ф) кредит берганлиги учун банк оладиган ҳақ кўрсатилиши шарт.

Бу шартларнинг ҳар бирини тижорат банки кредит бўлимининг ходимлари чуқур билишлари зарур. Чунки бу шартлардан бирортасининг асосиз белгиланиши кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилмаслигига олиб келиши мумкин. Масалан, кредитнинг таъминланганлигини олайлик. Агар банк таъминланганлик объектини тўғри танлай олмаса ёки тўғри баҳолай олмаса ва кредит қайтарилмай қолса, у ҳолда гаровга олинган мулкни сотиш билан зарарни қоплай олмай қолиши мумкин.

КРЕДИТ ЙИҒИНДИСИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

Банк мижознинг аризасида кўрсатилган кредит йиғиндисининг асосланганлигини текшириши шарт. Агар кредит йиғиндисини тўғри аниқлаб олинмаса, бу банкни ноҳуш ҳолатларга олиб келиши мумкин. Айтилик, банк ходимлари аризада кўрсатилган кредит йиғиндисини асосиз қамайтириб белгилашди. Бундай банк учун икки муаммо юзага келади:

1. Мижоз амалга ошираётган тадбирини

ниҳоясига етказиш учун қўшимча ресурсларга эҳтиёж сезади. Ва банкдан яна кредит сўрайди. Банк учун қўшимча кредитни бериш ёки бермаслик муаммоси пайдо бўлади;

2. Банк учун қўшимча кредит берилмаган тақдирда, олдин берилган кредит йиғиндисини йўқотиш хавфи пайдо бўлади. Чунки мижоз амалга ошираётган тадбир ниҳоясига етгани йўқ. Демак, бу тадбирдан ҳали даромад келмайди.

Банк амалиётдан шу нарса маълумки, мижозлар кўпчилик ҳолларда, кредит йиғиндисини асосиз равишда ошириб кўрсатади. Шунинг учун кредит йиғиндисини аниқлашда банк ходимлари кредитланаётган тадбирнинг реал қийматини билишга ҳаракат қилишлари зарур. Бунинг учун, агар қурилиш мақсадларига кредит олинаётган бўлса, лойиҳа смета ҳужжатларини синчиклаб кўздан кечириши ва лозим бўлган ҳолларда, экспертлар хизматидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

КРЕДИТНИ ҚОПЛАШ ҚАЙСИ МАБЛАҒЛАР ҲИСОБИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Кредитни бериш вақтида уни қоплаш манбаи аниқ белгилаб олинган бўлиши лозим. Одатда, кредитни қоплашнинг икки манбаи мавжуд:

1. Келиб тушадиган даромадлар;
2. Активларни сотишдан тушадиган даромадлар.

Товар ишлаб чиқарувчи корхонанинг кредитга лаёқатлилиги у оладиган фойданинг миқдорига ва доимийлигига боғлиқ. Бунда банк, албатта, корхонанинг бошқа корхона билан бўладиган алоқаларига эътибор бериши лозим. Агар корхонанинг даромади бир ёки иккита корхонадан келиб тушадиган бўлса ёки битта йирик операциядан келадиган бўлса, кредитнинг қопланмай қолиш хавфи кучаяди. Қимматбаҳо қоғозларни кўчмас мулкни ва бошқа активларни сотиш йўли билан кредит қопланганда асосий хавф-хатар шундаки, уларни сотишдан тушган маблағ кредит йиғиндисини қоплашга етмаслиги мумкин.

КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА КРЕДИТ МУДДАТИНИ БЕЛГИЛАШ ҚАНДАЙ ўРИН ТУТАДИ?

Кредитни бериш жараёнида унинг муддатини белгилаш катта аҳамиятга эга. Чунки кредит қанчалик узоқ муддатга берилган бўлса, уни қайтариш билан боғлиқ хавф-хатар шунчалик юқори бўлади. Шу сабабли узоқ вақт оралиғида кредит олган мижознинг фаолиятида кўзда тутилмаган турли хил ҳолатлар юзага келиши мумкинки, буларнинг барчаси пировард натижада кредитни қайтаришни қийинлаштириб қўяди. Шуларни ҳисобга олиб, жаҳон банк амалиётида уч йилгача муддатга бериладиган кредитлар тижорат банклари учун маъқул ва қулай кредитлар ҳисобланади.

КРЕДИТНИНГ ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАСИЗ?

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар учун энг асосий муаммолардан бири берилган ссудаларнинг қайтарилмаслигидир. Ушбу муаммони қисман ҳал этиш, яъни мижоз томонидан кредитни қайтара олмаслик хавфини қамайтириш йўлларида бири мижоз мулкнинг маълум қисмини берилган ссуда учун гаров сифатида талаб қилишдир. Банк ссудаларини таъминлашнинг ўта кенг тарқалган турлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ер;
- қимматбаҳо қоғозлар;
- дебитор қарздорлик йиғиндилари;
- тегишли ҳужжатлар билан бирга тақдим этилган товарлар;
- суғурта полислари.

Ер муҳим таъминлаш объекти бўлиб ҳисобланади. У ҳеч қачон ўз қийматини тўла йўқотмайди. Шу сабабли ер ишончли гаров ҳисобланади.

Қимматбаҳо қоғозлар банклар учун маъқулроқ таъминлаш тури ҳисобланади.

Чунки қимматбаҳо қоғозларни бозорга осонгина сотиш мумкин, мулк эгасини тезда ўзгартириш мумкин, банкда сақлаш учун харажатлар талаб қилинмайди. Шулар билан бир қаторда, уларни сотиш ва сотиб олишда ортиқча расмийчиликнинг йўқлиги қимматбаҳо қоғозларни таъминланганлик объекти сифатида аҳамиятини оширади.

Айни вақтда шунинг эсада тутиш лозимки, агар таъминланганлик сифатида акция олинаётган бўлса, унинг курси кескин тебраниши мумкинлигини, курс пасайганда зарар кўрилишини албатта инобатга олиш лозим.

Дебитор қарздорлик йиғиндисини деганда, бу ерда очиқ счётлар бўйича ҳисоб-китоблардаги қарздорлик йиғиндисини тушунилади. Бу пул банкнинг мижозга жўнатган товарлари учун харидорлардан олиши лозим бўлган пулдир. Бу турдаги таъминлаш объекти жаҳон амалиётида кенг қўлланилади.

Хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотлар кўпчилик давлатларда, хусусан республикада кредитнинг кенг қўлланиладиган таъминлаш объекти бўлиб хизмат қилади.

Суғурта қилинувчи суғурта компаниясига бадал тўлаб боради. Суғурта муддати тугаши билан тўланган бадаллар йиғиндисини тўлаган шахсга қайтарилади. Банк суғурта полисини йиғилган бадаллар йиғиндисини миқдорида таъминланганлик учун қабул қилади.

ОЧИҚ СЧЁТЛАР БўЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

Бир-бири билан доимий ва узлуксиз алоқада бўлган корхоналар ўзаро очиқ счётлар бўйича ҳисоб-китоб қиладилар. Бунинг афзаллиги шундаки, ҳар бир жўнатилган товарлар учун вексел ва бошқа қарз мажбуриятларини расмийлаштириш талаб этилмайди. Сотувчи йил мобайнида ёки шартномада белгиланган муддат мобайнида товарларни жўнатиб туради. Бунинг учун ҳар иккала томон ўз зиммаларига олган мажбуриятни тўлиқ ва ўз вақтида бажаришлари лозим. Акс ҳолда томонлардан бирининг айби билан иккинчиси оғир молиявий аҳволга тушиб қолиши мумкин. Масалан, сотувчи жўнатилган товарлар ҳақини ўз вақтида ололмаса, бу унинг молиявий аҳволига жиддий таъсир кўрсатади.

КРЕДИТНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Кредитни бериш қуйидаги тартибларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади:

1. Кредит олиш учун берилган аризани кўриб чиқиш ва бўлғуси мижоз билан яқиндан танишиш;
2. Мижознинг кредитни тўлашга лаёқатлилигини аниқлаш ва ссуда бўйича хавф-хатарни баҳолаш;
3. Кредит шартномасини тайёрлаш ва имзолаш;
4. Шартномада белгиланган шартларнинг бажарилиши ва кредитнинг қопланиши устидан назорат олиб бориш;

Мижоз кредит олиш учун дастлаб ариза беради. Аризада ссуда тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар ўз аксини топган бўлиши керак:

- а) ссуда олишдан мақсад;
- б) ссуданинг миқдори;
- в) ссуданинг муддати;
- д) ссуданинг тури (таъминланган ёки таъминланмаган ссудами).

Агар аризанинг мазмуни банкнинг кредит сиёсати мазмунига мос келса, у ҳолда банк 2-босқичга, яъни мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашга киритишади.

Мижоз кредитга лаёқатли деб топилган тақдирда, банк кредит шартномасини тузишга киришади. Бу босқичда банк ссуданинг асосий тавсифларини, яъни:

- кредитнинг тури;
- йиғиндисини;
- муддати;
- қоплаш усули;
- таъминланганлиги;
- кредитнинг баҳоси ва бошқа шартларни белгилаб олади.

**Т.БОБОКУЛОВ,
Ё.АБДУЛЛАЕВ**



МАКТУБЛАРИНГИЗНИ
КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА
ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:
700029, Тошкент шаҳри,
Мустақиллик майдони,
2-уй, 402-хона,
(Музаффар ПИРМАТОВга)

ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР

Янги ўқув йилидан бошланган 5-7 - синф ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Иқтисодиётдан сабоқлар" сиртқи мактаби конкурси давом этмоқда.

Конкурс "Ёш иқтисодчи" шлова газетаси ва конкурс лойиҳаси муаллифлари, фан номзодлари **Эргашвой САРИҚОВ** ва **Баҳодир ХАЙДАРОВ**лар билан ҳамкорликда уюштирилмоқда.

Конкурс бутун ўқув йили давомида олиб борилади. Газетамизнинг ҳар бир сонидан конкурс топшириқлари ва топшириқларни бажаришингиз учун зарур бўладиган назарий материаллар бериб борилади. Сиз ўз навбатида топшириқ варақаларини тўлдириб, тахририятга юборишингиз лозим. Агар газетамизга обуна бўлмаган бўлсангиз, ҳозирча мактаб кутубхонасидан газетани топиб, ундан ксероксда нусха кўчириб олиб, топшириқ варақасини тўлдириб бизга йўллашингиз мумкин. Оралиқ якунлар ҳар ойда эълон

қилиб борилади. 3-4 та газетада берилган топшириқларни тўплаб, 1 та хат-жислда юборишингиз ҳам мумкин.

Танловда қатнашаётган ўқувчилар газетамизнинг сентябрдан апрелгача бўлган сонларида берилаётган ҳамма топшириқларга жавоб йўллаши зарур. Акс ҳолда, тўплайдиган умумий балли оз бўлиб қолиши мумкин.

Конкурс ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан куйидаги мукофотлар таъсис этилган:

- 1-ўринни эгаллаган ўқувчига - телевизор;
- 2-ўринни эгаллаган ўқувчига - стерео магнитофон;
- фаол қатнашган 10 та ўқувчига - аудио-плеер



Конкурснинг якуний босқичи Тошкент шаҳрида 1999 йилнинг апрель ойида ўтказилади.

4 - ДАРС

4. ЭҲТИЁЖЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ ВА КЎПАЙИБ БОРИШИ

Ер юзидagi одамлар сонининг ошиб бориши, эҳтиёжларнинг миқдордан ўсишига олиб келади. Масалан, XX аср мобайнида ер юзи аҳолиси бир неча марта кўпайди. Натижада, уларнинг нонга бўлган эҳтиёжлари ҳам миқдор жиҳатдан шунча марта ошди.

Инсонда нима кўп? Орзу, ҳавас кўп. У доимо яшаш шароитларини янада яхшилаш ва кўпроқ қулайликларга эга бўлишга интилади ва тинмай ҳаракат қилади, хуллас янгиликка ўч бўлади. Натижада, инсоннинг янгидан-янги эҳтиёжлари пайдо бўлаверади. Маълумки, олдин деҳқонлар ерни омов билан ҳайдаганлар. Ҳозир эса омов деярли ҳеч кимга керак эмас, чунки ҳамма жойда далалар трактор ёрдамида ҳайдалади. Омовга бўлган эҳтиёж ўрнига тракторга эҳтиёж пайдо бўлди. Демак, вақт ўтиши билан инсонларнинг айрим эҳтиёжлари йўқолиб уларнинг ўрнига мазмун жиҳатдан янгилари келар экан. Демак, эҳтиёжлар мазмун жиҳатдан тўхтовсиз янгиланиб туради.

Фан ва техника тараққиёти натижасида турли-туман неъматлар, нарса ва буюмлар кашф этилади. Шу тариқа, бу маҳсулотларга бўлган мутлақо янги эҳтиёжлар пайдо бўлаверади.


Масалан, олдин ҳеч кимда телевизорга эҳтиёж бўлмаган. XX асрга келиб телевизор яратилди ва ҳаммада янги, телевизорга бўлган эҳтиёж пайдо бўлди.

Кузатишларга қараганда, кейинги 30 йил ичида инсон томонидан яратилаётган нарса ва буюмларнинг турлари икки бараварга ошган.

Демак, вақт ўтиши билан инсон эҳтиёжлари миқдордан доимо ўсиб, мазмунан ўзгариб ва мутлақо янгилари пайдо бўлиб бораверади. Шу сабаб, "Инсоният эҳтиёжларининг поёни, чеки йўқ!", деб айтишимиз мумкин.

Равшанки, инсониятнинг бу поёнсиз эҳтиёжларини табиат қондира олмайди. Ҳўш, унда одамлар эҳтиёжларини қандай қилиб қондирыптилар? Гап шундаки, инсоният тарихи давомида, ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида, табиат қўйнида сунъий "иккинчи табиатни" яратиб, **иқтисодиёт**, деб аталмиш улкан хўжаликни барпо этди.

Эндиликда иқтисодиёт - ишлаб чиқаришдан бошлаб яратилган маҳсулотни истеъмол қилишгача бўлган, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тизимдан иборат бўлиб, инсоният эҳтиёжларини қондиришининг асосий воситаси сифатида хизмат қилиб келмоқда.



4 - ТОПШИРИҚ

4. ЭҲТИЁЖЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ ВА КЎПАЙИБ БОРИШИ

1. Эҳтиёжларнинг миқдор жиҳатидан ўсишининг асосий сабаблари нимадан иборат?

Жавоб: _____

2. Эҳтиёжларнинг мазмуни жиҳатдан янгиланиб туришининг сабаблари нимадан иборат?

Жавоб: _____

3. Ёзув қуроли-ручканинг қандай "аждодларини" биласиз?

Жавоб: _____

4. Кейинги йилларда яратилган янги нарсаларга иккита мисол келтиринг.

Жавоб: _____

5. Қадимдан ҳозирги кунгача инсоннинг транспортга бўлган эҳтиёжини қондириш учун қандай транспорт воситалари яратилган?

Жавоб: _____

6. Инсонларнинг йўқолиб кетган эҳтиёжларига иккита мисол келтиринг.

Жавоб: _____

7. Ким кўп маҳсулот турларининг маркаларини билади?

Нарсалар	Турлари (маркалари)
Телевизор	
Автомобиль	

8. Инсоният тарихи давомида ёруғликка бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида қандай нарсалар ва асбобларни яратди?

- | | |
|----------|-----------|
| 1. _____ | 6. _____ |
| 2. _____ | 7. _____ |
| 3. _____ | 8. _____ |
| 4. _____ | 9. _____ |
| 5. _____ | 10. _____ |

8. Қуйида келтирилган от ва сўз қўшимчаларидан фойдаланиб, бу параграфнинг асосий хулосаси бўлмиш - гапни тузиш.

ЛАРИ ЙЎҚ ПОЁНИ НИНГ ИНСОНИЯТ ЭҲТИЁЖ

Исм-шарифингиз _____

Манзилингиз, мактабингиз ва синфингиз _____



Жаҳон халқлари болалар ўйинларидан

ҚОЗИҚ АТРОФИДА АЙЛАНИШ

(қалмиқ халқ ўйини)



Ерга болалар елкаси бўйлик таёқчани қозиқ қилиб қоқди. Ўйинчилардан бири таёқни ўнг қўлида ушлаган ҳолда соат ўқи ҳаракати йўналиши бўйлаб айлана бошлайди. Айни шу вақтда у чап қўлини ўнг қўлига остидан ўтказиб ўнг қўлига ушлаб олган бўлади. Бу ўйин одамдан чаққонлик ва эпчилликни талаб қилади. Юқорида айтилган ҳолатда қозиқ атрофида 5-6 марта айлана олган бола ғолиб саналади.

ТУЛКИ БИЛАН ТОВУҚЛАР

(татар халқ ўйини)

Майдончанинг бир четидан товуқ "катаги". Унда "товуқлар" ва "хўрозлар". Иккинчи томонда - "тулкича". 5-6 та "товуқ" ва "хўрозлар" катак олдида "дон еб" юришибди. "Тулки" писиб келиб, уларга ташланмоқчи бўлади. Шунда "товуқлар" "қо-қоғ"лаб қичқиришади. "Товуқлар" ва "хўрозлар" қийқирганча "катак"ка томон йўргалашади. "Тулки" эса улардан бирортасини ушлаб қолишга ҳаракат қилади.

Агар "тулки" бирорта "товуқ"ни ушлаб олса, бу ўйинчи ғолиб чиққан бўлади ва қўлга тушган "товуқ" энди "тулки" бўлади.



ЎПИШҚОҚ КЎПИК

(бошқирд халқ ўйини)

Уч-тўрт ўйинчи бир-биридан узокроқ-узокроқ жойга чўққайиб ўтирадилар. Улар ўпишқоқ томчиларни ифодалаган бўладилар. Бошқа ўйинчилар майдонда тарқалиб, бу ўпишқоқ "томчи"лардан четлаб ўтишга ҳаракат қилишади. "Томчи"лар чопиб юрган болалардан бирортасига яқин бориб унга тегиб кетиши керак (бунда "томчи" ўрнидан турмай, чўққайганича жойидан жилиши керак). "Томчи" ўпишган ўйинчи эса шу захоти "музлаб" "томчи"дек жойида "қотади". Ниҳоят, ўйин охирида "томчи"лар тегмаган ўйинчи ғолиб бўлади.



Хандалар

МЕН - ЯХШИМАН

- Валерий, велосипединг бунча чиройли экан. Уни сенга ким олиб берди.
- Опоқ дадам!
- Сенинг опоқ даданг жуда яхши экан.
- Опоқ дадам эмас, мен яхшиман. Чунки опоқ дадамнинг ўзлари: "Сен айтганларимни бажарадиган яхши бола бўлдинг. Шунинг учун сенга велосипед олиб бераман", деганлар.



ЎНФОҚ ЧАҚИШ

Уч яшар Артём грек ёнғоғини жуда яхши кўради. Дадасининг қўлида болға кўрди дегунча у хархаша бошлайди:
- Дада, юринг ёнғоқ чақамиз.

БЕПУЛ МАСЛАХАТ


Габроволик киши йўлда таниш врачни учратиб қолди ва текин маслаҳат олиш илинжида сўради:
- Дўхтир, шамоллаб қолсангиз, нима қиласиз?
- Акс ураман, - деб жавоб берди ундан ҳам пишиқ дўхтир.

ЧОЙНАКНИНГ ОҒЗИ ҚАНИ?

Алёша чойнакни роса синчиклаб ўрганди, сўнг мулоҳазакор овозда деди:
- Чойнакнинг ҳам қўли бор, менинг ҳам қўлим бор. Чойнакнинг ҳам бурни бор, менинг ҳам бурним бор. Мана - менинг оғзим. Қизиқ, чойнакнинг оғзи қани?



ДИНОЗАВР... ОҒЗИДА



Кляйнвельк шаҳри (Германия)даги ҳайвонот боғи ходимлари ҳар куни улкан динозаврнинг оғзини, ундаги тишлар ораларини обдон тозалаб кўядилар. Ҳатто... бу баҳайбат йиртқичнинг қорнига кириб чиқишдан ҳам кўрқийман.

Нимадан ҳам кўрқисин? Ахир сиз кўриб турганингиз - динозаврнинг гипс ва се-мондан ясалган ҳайкали.

Ахир томошабин болаларга динозаврни ҳам кўрсатиш, у ҳақида маълумот бериш керак-ку. Динозаврлар бундан миллион йиллар олдин қирилиб кетган бўлса... Немис халқи болажонларга бу улкан ҳайвон тўғрисида тасаввур беришнинг йўлини топган. Шунинг учун ҳам ҳайкал-динозаврнинг оғзида юрган одам томошабинлар учун янада қизиқарли, ишончли!

БЎРИ ОВИ

(Сибир ва Узок Шарқ халқлари ўйини)

"Овчи" "Бўри"дан 5-6 метр узокликда туради. (Бўри шакли фанер ёки картон қоғоздан қирқиб ясалади). Икки ўйинчи "Бўри"ни арқонда бойлаб, уни гоҳ у, гоҳ бу ёққа жилдириб (гўё қочириб) туришади. "Овчи" ўйинчи қўлидаги тўп билан "Бўри"нинг бошига уриши керак. "Бўри"га ким кўп "тош" (тўп) тегизса ўша ғолиб бўлади.



ЎНФОҚ

Габроволик киши ўғли билан опасиникига меҳмонга борди.
- Қўлларингни ҳовуч қил, - деди аммаси ёш жиянига. - Сенга ёнғоқ бераман.
- Дадамга бера қолинг.
- Нима, сен ёнғоқни яхши кўрмайсанми?
- Жуда яхши кўраман. Шунинг учун ёнғоқни дадамга бера қолинг.
- Нега?
- Дадамни ҳовучи катта. Унга кўп ёнғоқ сиғади, - деди меҳмон жиян.



ЎРМОНДА

Наташа ўрмондаги сўқмоқдан борарди. У ногаҳон тўхтади-да, йўл четидagi ўсимликка энгашди:
- Қаранглар. Буни қаранглар. Бу - папоротник-ку! Ма-моротник қаяқда экан?

САХОВАТ

- Дадажон, тушимда сиз менга кичкинагина шоколад олиб берибсиз.
- Агар яхши бола бўлсанг, мен сенга тушингда катта шоколад олиб бераман.

Қўлларида челақ кўтарган икки аёл қудуқдан сув олгани бораётганди. Йўлда уларга яна бир аёл ҳамроҳ бўлди.

Аёллардан бири йўлдошига:
- Менинг ўғлим жуда чаққон, жуда бақувват бола бўлди-да, - деди.

- Менинг полвоним бўлса шунақанги хушовозки... У қўшиқ айтганда тоғ-тошлар ҳам эриб кетади, - деб мақтанди иккинчиси.

В. ОСЕЕВА

ЎҒИЛ

(хикоя)

Учинчи аёл эса чурқ этмади.

- Сен нега индамайсан? Ўғлинг билан ғурурланмайсанми? - деб сўрашди ундан ҳамроҳлари.

- Нима ҳам дердим, - деди у саволга жавобан, - у оддий бола. Бошқалардан устун жойи йўқ.

Аёллар қудуқ бошига етиб келиш-

ди. Челақларини тўлдириб сув олгач, орқага қайтдилар. Анча юргач, қўллари зирқираб, беллари толиб дам олгани тўхташди.

Шу чоғ аллақаяқдан келаётган уч бола улар ёнидан ўта бошлашди. Улардан бири дўмбалоқ ошиб, хуштак чалиб борарди.

Иккинчиси эса хиргойи қиларди. Бу боланинг овозига булбул ҳам маҳлиё бўларди.

Учинчи бола эса чопиб онасининг

ёнига келди-да, унинг қўлларидаги оғир челақларни олди.

Оналарнинг ҳар бири ўз ўғли билан мақтангиси келди ва шу ерда харсангтошда дам олиб ўтирган оқсоқолга:

- Қалай, бизнинг ўғиллар? Зўрми? - дейишди.


- Қанақа ўғиллар? Қани улар? Мен бу ерда фақат битта болани кўряпман, холос, - деб жавоб берди чол...



БИР БОР ЭКАН, БИР ЙЎҚ ЭКАН. ПУЛ ДЕГАН БЎЛГАН ЭКАН...

Давоми.
Боши ўтган сонларда.

Дарров буюм баҳоси ҳам пайдо бўлди: ҳар бир нарса маълум "пальма" бирлигига тенглаштирилди: масалан, гулдаста - 50 пальма, балиқ - 20 пальма...



Ниҳоят, Экулл билан Миллинг орзулари ушалди. Улар тўйига жуда кўп гуллар сотиб олишди...




Меҳмонлар келин-куёв бахтли бўлишсин, деб норжисл (кокос) сути ичишди. Ҳаммалари жўр бўлиб қўшиқ айтшди: "Яшил Мацуми соҳилларида..."




ИККИНЧИ ҚИСМ.

Пул жорий этилгандан сўнг орадан ўн йил ўтди. Бу давр ичида оролдаги ҳаёт таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.



Сайёҳлар океан лайнери бортидан оролни томоша қилдилар.




Мацуми оролидаги ижобий ўзгаришлардан барча сайёҳлар ҳайратга тушдилар.

Уйга қайтгач, сайёҳлар кўрганларини таниш-билишларига сўзлаб беришди.



Бироқ мўъжаз Мацуми қирғоқларига атрофдан келаётган чет элликлар ва сайёҳларнинг кемалари сиғмай кетди.



Мацумида одамлар кўпайиб кетди. Уларнинг ҳар бирига яшаш учун жой зарур эди.

Мацуми пули борасида ҳам муаммолар пайдо бўлди. Катта харидлар учун "Блумми пальма"си тошидан катта-катта уюмлар талаб қилинарди.



Сенинг "Блумми пальма"-ларингни энди нима қилсам экан. Ахир у жуда кўпайиб кетди.



"ЁШ ИҚТИСОДЧИ"ГА МАКТУБЛАРИНГИЗНИ КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:
700029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона
(Музаффар ПИРМАТОВга).

Мулоқот учун телефон: (371) 139-49-32, 139-16-19.
Факс: (371) 139-48-23.



ДЕНГИЗНИНГ ҲАМ ОВОЗИ БОРМИ?

Саволга жавоб излаётиб, хаёлингизга келадиган илк фикр, бу ерда денгиз шовқини, тўғрироғи, унинг тўлқинлари шовқини назарда тутилаётган бўлса керак, қабилда бўлиши шубҳасиз. Қисман бунда ҳам жон бор. Аммо бу гўзал шоирона ташбеҳ, ўхшатишдир, холос. Шу тариқа шамолни осмоннинг овози, акс-садони эса тоғларнинг овози дейиш ҳам мумкин. Аммо "денгиз овози" деган расмий атама муомалага кирганига ярим асрдан ошди ва у, инсон нуқтаи назарига кўра, кўнгилсиз табиат ҳодисасини англатади.

Асримизнинг 40-йиллари охирида кунлардан бир кун Малакка бўғозига кирган кемалар ҳалокатга учраган кеманинг ёрдам сўраётгани тўғрисида сигнал олишади. Ғалати бир радиogramма келади: "Ҳамма ҳалок бўлди... Мендан бошқа ҳеч ким тирик қолмаган бўлса керак..." Етиб келган қутқарувчилар жони узилаётган радистнинг гапларини тасдиқлашди. Улар пароход бортига чиқиб, даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлишди: палуба даҳшатдан кўзлари бакрайиб, юзлари қийшайиб қолган денгизчиларнинг жасади билан тўла, аммо кеманинг ҳеч бир ерига шикаст етмаган эди. Денгиз одатдагидек тўлқинланиб турар, атрофида қароқчилар ҳам кўринмас эди. Унда экипаж нега ҳалок бўлди?

Мутахассислар кўпчилигининг бир вақтда ҳалок бўлишига узоқ вақт жавоб қидиришди. Ҳар хил фаразлар ўртага ташланди. Алал-оқибат, одамларни "денгиз овози" нобуд қилган, деган хулосага келинди. Бу қандай даҳшатли ҳодисаки, бирдан шунча одамнинг умрига зомин бўлса?

"Денгиз овози" жуда паст (10-15 герц атрофида, у инфратовуш ҳам деб аталади) частотадаги товуш тебранишларидир. Бундай овоз сув юзасида ўрқачли тўлқинлар ортида гирдоб ҳосил бўлиши ва унинг атрофида шамол эсиши натижасида ҳосил бўлади. Шамол кучайган сари тўлқинлар кўтарилиб боради ва "денгиз овози" яқинидаги одамларни ўлим комига торта бошлайди.

"Денгиз овози" одамларни ҳалок этишининг бир неча сабаби бор. Бизнинг қон айланиш системамиз ўзининг паст частотали теб-



"МЎЪЖИЗА КИТОБ"

раниш ҳаракатига эга. "Денгиз овози" тебранишлари бизнинг қон айланиш системамиз тебранишларига қўшилиб, маълум шароитларда юрак уриш амплитудасини кескин ошириб юборади. Оқибатда артерия қон томирлари қонни ўзига сиғдира олмай қолади. Иккинчи сабаб шуки, ҳаво инфратовушни ютмайди ва у пасаймасдан, узоқ масофаларга тарқалиш хусусиятига эга. Кўпинча, денгизда шторм кўтарилганда, сувликлардан узоқда яшайдиган кишилар кўпроқ

Бундай ўзгаришларнинг тарихини денгиз тубидаги чўкинди жинслар таркибидан ҳам билиб олса бўлади. Бу жинслар орасида денгиз сувининг шўрланиши оқибатида қирилиб кетган маллюскалар қолдигани учратиш мумкин.

Қора денгиз сувининг ҳозирги сатҳи бундан тахминан 5000 йил аввал пайдо бўлган.

ЎЛИК ДЕНГИЗ НИМА?

Ўлик денгиз Ер юзидаги ўзига хос сув ҳавзасига инсон берган ғалати номлар-



азият чекишади. Бу уларгача етиб келаётган сокин, аммо хавфли инфратовуш оқибатидир. У юракнинг тепиш маромини бузади (ё тез урдиради, ё тўхтатиб қўяди), кучли бош оғриқлари кўзғайди.

Одамларнинг ёқтирмайдиган "денгиз овози" мана шу.

ҚОРА ВА КАСПИЙ ДЕНГИЗЛАРИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Қора денгиз бассейни бир неча ўн миллион йиллар муқаддам Қрим, Кавказ ва Анатолия (ҳозирги Туркия худудида)даги Понтий тоғ тизмалари ўртасидаги ер юзасининг туртиб чиқиши натижасида ҳосил бўлган.

Бу бўртиқ жой Ер қобиғининг доимий, то шу кунгача давом этаётган ҳаракатидан пайдо бўлган. Бундай ҳаракатлар тектоник ҳаракатлар деб аталади. Айнан шундай ҳаракатлар бу минтақада содир бўлиб турадиган ҳалокатли зилзилаларга сабаб бўлади. Бундай ҳалокатли зилзилаларнинг энг сўнггиси Арманистонда рўй берган эди.

Тарих давомида Қора денгизнинг кўриниши тектоник жараёнлар ҳамда дунё океани сатҳининг кўтарилиб тушиши оқибатида бир неча марта ўзгарган. Бир вақтлар Қора денгиз Каспий денгизи билан туташиб, улкан кўл ҳосил қилган. Баъзан сувнинг сатҳи кўтарилиб, у ҳатто Ўрта Ер денгизи билан туташган вақтлар ҳам бўлган. Натижада Қора денгиз суви таркибидаги туз миқдори янада ортган.

дан биридир.

Бу денгизни илк марта юнонлар "ўлик", Қадимги Иудея аҳолиси эса "шўр" деб атаган. Араб муаллифлари уни "бадбўй денгиз" деб тилга олишган.

Бу денгизнинг ўзига хос жиҳати нима? Ҳақиқатда у Иордания ва Исроил ўртасида жойлашган катта ва шўр кўлдир. Денгиз минтақадаги мавжуд чуқурлик ёки Ер қобиғи ёриғида пайдо бўлган.

Ўлик денгизнинг бўйи 75 км.га яқин, эни эса айрим жойларда 5 км.дан 18 км.гача етади. Қизиғи шундаки, Ўлик денгизнинг юзаси дунё океани сатҳидан 400 метр пастдир. Унинг жанубий қисми нисбатан саёз, шимолий қисмидаги айрим жойларнинг чуқурлиги 400 метргача етади.

Бошқа кўллардан фарқли ўларок, Ўлик денгиздан бирорта ҳам дарё оқиб чиқмайди, аксинча, шимол тарафдан Иордан дарёси унга қуйилади. Бундан ташқари теваарак-атрофдаги қирликлардан ҳам жилғалар денгизга оқиб тушади. Ошиқча сув буғланиб чиқиб кетади. Шунинг учун ҳам денгиз суви таркибида ҳаддан зиёд ош тузи, карбонат ангидрид калий (ишқор), хлорид, магний бромиди ва бошқа минерал тузлар йиғилиб қолган.

Ўлик денгиз дунёдаги энг шўр денгиздир. Унинг суви таркибидаги тузлар миқдори океан суви таркибидаги туз миқдоридан 6 марта кўп. Бу сувнинг зичлигини шу

қадар ошириб юборганки, унда чўмилаётган одам ҳеч бир заҳматсиз сув юзасидаги пўкақдай сузиб юради. Денгиз қимматли моддалар манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Унинг таркибида 2 000 000 тоннадан ошиқ эриб кетган ишқор бор. Ундан ўғит ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин.

ЎЛИК ДЕНГИЗДА ҲАЁТ БОРМИ?

Ўлик денгиз дунёдаги энг ғалати сув ҳавзаларидан биридир. Бундан миллион йиллар муқаддам ундаги сув сатҳи ҳозиргисидан 420

бошқа бир рақамни келтирайлик: Эверест чўққисининг баландлиги, "бор-йўғи" 8 848 метрдир. 1960 йили ушбу ботиқлик унинг тубига қадар туширилган батискаф ёрдамида тадқиқ қилинган. Шундай қилиб, бундай аппаратлар чуқурликка тушиш бўйича дунё рекордини янгилади. Деярли барча денгиз ботиқликлари ёки тарнови очиқ океанда эмас, аксинча, материклар яқинида жойлашган.

НЕГА АЙРИМ ДЕНГИЗЛАР МУЗЛАЙДИ, БОШҚАЛАРИ ЭСА МУЗЛАМАЙДИ?

Агар глобусга қарасангиз, ундаги ёнлама (горизонтал) пунктир чизиқларга кўзингиз тушади. Бу чизиқлар ер юзасини турли зоналарга бўлади.

Зоналарнинг жойлашиш тартиби ҳам ўзига хос.

Экватор атрофида тропик зона жойлашган. У Ер шарини шимолга ҳам, жанубга ҳам 23,5 градус энлиликдаги тасма билан ўраб олади. Унинг чегаралари шимолий ва жанубий тропиклар деб аталади.

Тропикларнинг шимоли ва жанубида (23,5 градусдан 66,5 градусгача) температура минтақалари жойлашган. Улар мўътадил иқлим минтақаларидир.

Уларнинг шимоли ва жанубида эса кутб минтақалари жойлашган. Бу минтақалар шимол ва жанубдаги 66,5 ва 90 градус оралигидадир.

Ҳар бир минтақанинг ўзига хос иқлими бор.

Европанинг ғарбий қисми мўътадил иқлим минтақасида жойлашган. Чунки у ерда денгиз иқлими ҳукм суради. Демак, у ерда ёзда жазирама, қишда эса қаттиқ совуқ бўлмайди. Денгиз яқинида жойлашган мамлакатлар (Бельгия, Англия)да сув деярли музламайди, бу ерда қишки сувнинг температураси ердагига нисбатан юқори бўлади. Ёзда эса бунинг тескарисини кўрамыз.

Европанинг Шарқий минтақалари денгиздан узоқлиги сабабли у ерларда континентал иқлим ҳукм суради. Ёзи унча иссиқ бўлмаса ҳам қиши совуқ бўлади. Шунинг учун ҳам Балтика денгизининг шимолий қисми қишда музлайди. Кутбда эса деярли иссиқ бўлмайди. У ерда қиш ярим йилдан ошиқ давом этади, ҳатто ёзда ҳам жазирама иссиқ бўлмайди. Кутб денгизларининг суви исишга улгурмайди. Шимолий денгизда ёз ойлари ҳам музлар сузиб юради.

Шунинг учун ҳам айрим денгизлар музлайди, бошқалари эса, умуман, музламайди.

ЭНГ КАТТА ДЕНГИЗ БОТИҚЛИГИ ҚАЕРДА?

Куруқлик сингари денгиз туби ҳам ўнқир-чўнқирлардан иборат. Сув остида ҳам ҳақиқий тоғлар, водийлар ва ботиқликлар бор. Баъзида уларнинг сув юзасидан чуқурлиги 10 минг метргача етади.

Сув ости рельефи куруқлик рельефи сингари турли-тумандир. Энг чуқур денгиз ботиқлиги Мариан ороллари яқинидадир. Унинг чуқурлиги - 11 022 метр. Таққослаш учун



ИНТИЗОМЛИ ОИЛАДА НАМУНАЛИ БОЛА УЛҒАЯДИ

Сухбатдошим - Тошкентдаги 17-гимназия мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Хулкар опа ОЛИМБЕКОВА бўлади. Опа ҳақида икки оғиз сўз. Хулкар опа 1960 йилда Сурхондарё вилояти Сарийўли туманида педагоглар оиласида таваллуд топганлар. 1976 йилда тумандаги 3-ўрта мактабни олтин медал билан тамомлаб, Тошкент Давлат Университети ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирганлар. 1982 йилда университетни тамомлаб, шу кунга қадар ушбу мактабда бошланғич синф ўқувчиларига таълим бериб келмоқдалар. Агар Хулкар опанинг ўқувчилари ота-оналарини суҳбатга тортсангиз, опадан жудаям миннатдор эканликларини билиб olasiz...

Хулкар опанинг юз-кўзларидан болаларни яхши кўришлари билиниб туради. Биз суҳбат чоғида ҳам бунинг гувоҳи бўлдик. Хуллас, сураткаш ҳамкасбимиз билан мактаб биносига кириб борар эканмиз, бу ерда

бошқа мактабларга унчалик ҳам ўхшамаган янгича бир руҳият борлигини ҳис қилдик. Мактаб жуда ҳам озода, ўқувчилар эса ўзларининг одоби билан ажралиб туради.

Мени тўғрироғи, мактаб ҳовлисида инглизча гаплашиб турган 13-14 ёшли йигит-қизлар кўпроқ ҳавасимни келтирди. Бу ҳолат ҳамкасбимизни ҳам бефарқ қолдирмаган эди...

Биз йўлакча бўйлаб юриб борар эканмиз, эшигига 1 - "А" синф раҳбари Хулкар Олимбекова деб ёзиб қўйилган синфхона олдига тўхтадик. Ҳаммаёқ сув қуйгандек жим-жит эди. Хулкар опа жарангли, шу билан бирга ёқимли овози билан митти юракчаларни сеҳрлаб қўйгандек эди гўё.

Биз танаффус бўлишни кутиб турдик. Сураткашимиз ўз ишини аяқлагандан сўнг суҳбатимизни бошладик.

биринчи ўринга қўйиб. Кейин таълим беришга ҳаракат қиламан. Боладаги ташаббусни қўллаб-қувватлайман.

- Хулкар опа, бошланғич синф ўқитувчиларининг ўзига яраша масъулияти бор, албатта. Шу ҳақда фикрингиз?

- Бинонинг пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, у шунчалик узоқ йиллар қад кўтариб туради.

Бошланғич синф ўқитувчилари мана шу пойдеворни қўядилар. Бу жуда машаққатли. Фараз қилинг, ота-она бағрида ўсаётган жажжигина гўдакни дунё билан танита бошлаш керак. Бу эса ўқитувчи учун осон кечмайди.

Шунинг учун бошланғич синф ўқитувчисининг тафаккури кенг, ўзи эса фидойи инсон бўлиши керак.

- Хулкар опа, ўқитувчи билан ўқувчи чиқиша олмаслиги мумкинми?

- Бундай ҳолатда ўқитувчи ўзининг тарбиячи эканлигини унутмаслиги керак. Яхши ўқитувчи ўқувчининг табиатидан келиб чиқиб, унинг кўнглига йўл топа олади.

- Синфда ёмон ёки яхши ўқувчи бўлиши кимга боғлиқ, мактабгами, оилагами?

- Синфда яхши ёки ёмон бола бор, деб айтишларига унчалик қўшилмайман. Фақат бўшроқ ўзлаштирувчи ёки шўхроқ ўқувчи бўлиши мумкин.

Бундай пайтда ҳам оила ва мактаб уйғунликда иш олиб бориши керак.

- Қандай пайтда ўқувчи ўқитувчини тушунмаслиги, ҳурмат қилмаслиги мумкин?

- Агар ўқитувчи ўқувчини ўзининг кетидан эргаштира олмаса... ўқувчини айблашга ҳаққи йўқ.

- Хулкар опа, биринчи синфга борган пайтингиз-

да ўзингизни қандай ҳис қилгансиз?

- Онам илк бор мактабга етаклаб борганларида ўзимни ниҳоятда бахтли ҳис қилганман. "5" олганимда эса уйгача югуриб келганман.

Эсимда, 7-синфда адабиёт ўқитувчимиз "Менинг орзуим" мавзусида иншо ёздирган эдилар. Ўшанда ҳам "педагог бўламан", деб ёзган эдим. Устозимиз иншоимни бутун синфга ўқиб берган эдилар...

- Хулкар опа, ҳозирги кунда болалар мактабларимизда лотин алифбосини ўрганишяпти. Уйда биз ўрганишимиз болаларимиздан...

- Нима демоқчи эканлигингизни тушундим. Мустақиллигимиз шарофати билан лотин алифбосига ўтдик. Бу эса келажакимиз бўлмиш ёш авлодни, Ўзбекистонимизни бутун дунёга танитиш учун, жаҳон тилларини ўрганиш учун имконият яратиб беради.

- Устозларингизга айтадиган гапларингиз, тилакларингиз бўлса, бемалол.

Газетамиз вилоятларимиздаги ҳамма мактабларга кириб боради.

- Мен ҳаётимда нимаики муваффақиятларга эришган бўлсам, устозларимдан миннатдорман. Бу шарафли лекин ўта масъулиятли касбнинг машаққатларини ўзим ўқитувчи бўлганимдан сўнг ҳис қила бошладим. Устозларимга соғлиқ, омонлик тилайман.

Хосият РУСТАМОВА
суҳбатлашди.



- Хулкар опа, аввало сиздан бола тарбиясида мактаб ва оила орасидаги муносабат ҳақида сўрамоқчи эдим.

- Бола тарбиясида оила муҳим ўрин эгаллайди. Фикримча, болани мактаб ёшига етгандан сўнг эмас, боболаримиз айтганларидек, она қорнидаёқ тарбиялашимиз лозим. Кўп йил-

лик тажрибамда аниқлашимча, яхши, интизомли оилада намунали бола улғаяди.

Агар оила ва мактаб бири-бири билан боғланиб турса, ўқувчиларимизни ёмон дейишимизга ҳолат қолмасмиди.

- Ўқувчида ўзига ишонч туйғусини шакллантириш учун мураббий нималарга

кўпроқ эътибор қаратиши керак, деб ўйлайсиз.

- Ўқувчида ўзига ишонч туйғусини шакллантириш учун имкониятларидан юқори муваффақиятларга эриша олиши мумкинлигига ишонтира олиши керак.

Мен иш тажрибамда ҳар бир боланинг характерини ўрганиб, унинг тарбиясини

ВИЛОЯТ ВА ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ТАШКИЛОТЛАРИ, ФИРМАЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАДБИРКОРЛАР, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

"ЎҚИТУВЧИ" НАШРИЁТИ 1998 ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАБ

ўрта мактабларнинг 2-11 синфлари, академик лицейлар, гимназиялар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун мўлжалланган барча турдаги дарсликлар ва қўлланмаларни

ОЧИҚ САВАОГА ЧИҚАРАДИ
ва уларга чекланмаган миқдорда

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Буюртмалар жаҳон андозаларига мос, ЮҚОРИ СИФАТ билан тайёрлаб берилади.
Тўловлар исталган турда.

МУҲТАРАМ ТАДБИРКОРЛАР!
25 фоиз савдо чегирмаси билан дарслик ва қўлланмаларни биринчи қўлдан олишга шошилинг, бундан ўзингиз ҳам даромад олишингиз мумкин, ҳамёнингизга ҳам фойда!

1998 — ОИЛА ЙИЛИ ЭКАНИНИ УНУТМАНГ!


МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:
700129. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, "Ўқитувчи" нашриётининг "Савдо-тижорат бўлими".
Телефонлар: 144-22-92, 144-23-86. Факс: 144-26-89.





ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ

**72-73-СОНДА
 БЕРИЛГАН
 ЎЙИНЛАР ЖАВОБИ:**

1	2	3	4	5	6	7
4	-	2	+	5	=	7
*	*	*	*	*	*	*
2	+	1	-	3	=	0
-	+	-	+	-	+	-
3	+	4	-	6	=	1
5	6	9				




Нотўғри кубик-В.
A:2-6-3 Б:1-5-4 В:6-4-1
Хато: полдаги нақш икки орқадаги кубиклардан кейин ўзгаради.




Доналдининг жиянлари кучли таассурот таъсирида бу ғалати иншоотнинг энг юқори қисмига чиқиб қолишди. Энди ундан пастга тушиши осон эмас.

Болаларга тепадан ерга тушишда ёрдам беринг.




“Вилли, қара! Олтита динозаврнинг бошлари алмашиб қолибди! Сен уларни қирқиб, ўз жойига қўй. Бошини танага шундай елимлагинки, чоки кўринмасин”.

Урдакчалар янглиштириб қўйганини топишга ёрдам беринг.






Берилган учта тушиш йўлидан қайси бирида тезроқ тушиши мумкин? Энг кам бурилишли йўлда тез тушиши мумкинлигини эслатиб ўтамиз. Вилли, Вилли ва Диллига керакли тушиш йўлини танлашда ёрдам беринг. Ундан ташқари, тоғдаги курорт (дам олиш маскани) чизилган расмдаги 5 та хатони топинг.



“Раҳмат, Доналд тоға. Сиз бизни расадхона (обсерватория)га олиб кирдингиз, - деди Вилли. - Биз у ерда сайёраларни ва бир нечта йўлдошларни кўрдик. Яна 7 та нарсани кўрдик, лекин космосда унақа нарсалар бўлмайди”.

Вилли айтган 7 та нарса нималар эканини топинг.

**74-75-СОНДА БЕРИЛГАН
 ЎЙИНЛАР ЖАВОБИ:**



ОТА-ОНАЛАР — СИЗЛАР УЧУН!**ФАРЗАНДИНГИЗ МАКТАБГА БОРДИ**

Фарзандларимиз мактаб остонасига илк бор қадам қуйди. Уларнинг қадами кутлуғ бўлиши, фақат қувонч келтириши, хавф-хатардан фориғ юриши кўп жиҳатдан сизга боғлиқ.

Ёш болаларимиз аксарияти йулларда ҳаракатланиш қоидаларини билмайди, билганлари ҳам унга тула амал қилмайди. Йул-йулакай шухлиги тутиб, уйинга берилади. Оддий эътиборсизликнинг оғир оқибатини ҳис этмай бепарволикка йул қўяди. Бу эса нохуш ҳодисаларни келтириб чиқаради.

Қадрли ота-оналар! Улар йул ҳаракати қоидаларини урганиб ва унга тўғри амал қила олишгунича мактабга кузатиб, кутиб олсангиз, хавфли йулларда ҳаракатларини ташкил этолсангиз булгани.

Фарзандларингиз йул ҳаракати қоидаларини билибгина қолмай, унинг моҳиятини тушунишлари учун аввало узингиз уларга ўрнак кўрсатишингиз лозим.

Келинглари, «сўнгги пушаймон»ни кутмай, керакли чораларни курайдик. Қувончли онларимизни ғам-ташвиш, қайғуга қўймайлик, соғлом авлодимизнинг саломатлигини асрайлик.

ДАН ХОДИМЛАРИ — МАКТАБДА

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан болалар билан боғлиқ булган йул транспорт ҳодисаларини олдини олиш мақсадида шу йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳар ҳудудида «Диққат: болалар» тадбири ўтказилди. 2 сентябрдан барча мактабларда ўтказилган тантанали йиғилишларда ДАН ходимлари иштирок этишди. Ўқувчиларнинг мактабларга келиши ва кетиш соатларида ДАН нозирларининг

хизматлари мактаблар яқинига кучирилди. Туман халқ таълими идоралари билан ҳамкорликда ҳаракат хавфсизлигини тарғиб қилувчи бурчаклар ташкил этилди. Мактаблардаги йул ҳаракат қоидаларига бағишланган 17 соатлик дарслар олиб борилди. Шу мавзу юзасидан учрашувлар, суҳбатлар ўтказилди.

Шухратжон Эргашев,
Тошкент шаҳар, Давлат автомобиль нозирати бошқармаси ходими



Ҳаракат қоидабини билиш керак жуда ҳам, Унга риоя қилиш керак кўчада ҳар дам.

ЁШ ПИЁДАЛАРГА ЭСЛАТМА

Янги ўқув йили ҳам бошланди. Деярли ҳар куни транспорт ҳаракати серқатнов булган йуллардан фойдаланишингизга тўғри келади. Шунинг учун йулда ҳаракат қоидаларини доимо ёдда сақлаш керак. Чунки қоидаинг энг оддий талабларини бажармаслик ҳам бахтсиз ҳодисани келтириб чиқариши мумкин.

Сизларнинг ҳар бирингиз автомашиналар серқатнов йулда узингизни қандай тутишни яхши биласиз. Лекин афсус билан шуни айтиш керакки, автомашина гилдираклари остига тушаётган айрим болалар ҳаракат қоидабини мутлақо ҳурмат қилмайдилар.

Оқибат эса аянчлидир: ё майиб — мажруҳ бўлиш, ё нобуд бўлиш.

Нохуш фожиа иштирокчисини бўлиб қолмаслик учун қуйидагиларни ёдда тутиш лозим:

— йўлни фақат белгиланган жой орқали кесиб ўтиш керак;

— яшил чироқ ҳаракатини бошлаб, кўчани кесиб ўтишга рухсат беради;

— ҳар-хил ўйинларни ҳовли, майдон ва ўйингоҳларда ўйнаш керак, кўчада ва автомашиналар, ҳаракатланадиган жойларда бунга асло йўл қўйиб бўлмайди;

— кўча ҳаракати қоидаларига амал қилишда бошқаларга ўрнак бўлинг. Интизомсиз тенгдошларингизни тартибга чақиринг.

Янги ўқув йилини янги куч-қувват ва хуш кайфият билан давом эттиринг. Йўлингиз ҳамisha бехатар бўлсин, азиз болалар!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИИББ ДАН БОШҚАРМАСИ.

Зирапча**МОҲИДИЛНИНГ ДИЛ СЎЗИ**

«Тико» Каттақўрғонга елдек учиб бораётган эди. Беихтиёр йул четини супуриб, ут-уланларни юлиб юрган болаларнинг куплиги, ҳар юз, икки юз қадамда туп-туплиги диққатимизни тортди. Бизнинг ўқувчилар, «Тонг юлдузи»нинг муҳлислари билан йул йулакай суҳбатлашгимиз келди.

Кузлари чақнаб турган, буй-басти дугоналариникидан кўркамроқ Моҳидил деган қиз, узини Мирзачўл тумани, 22-совхоздаги 11-мактабнинг ўқувчисиман деб таништирди.

— Ҳоким утармиш, кўчадан. Шунинг учун уч кундан бери мактабга чиқсак, бизни ўқитишмай, кўча тозалашга олиб келишди...

Эрта баҳордан бери бизда тайинли ўқитининг узи йу-у-к, — деди дугонаси Юлдуз Бошбекова деган қизалоқ. Пахта чопиғи бошлангандан бери бизнинг ҳам чоп-чопимиз бошланади.

— Инглиз тили ўқитувчисини йўқлигини ҳам айт, — деди Моҳидил лунда-лунда қилиб. Нигора опа — инглиз тили ўқитувчисини эмас, у кишидан биз тузукроқ биламиз, аммо шу Нигора опа бизни чет тили дарсида бошимизни «қовуштириб» утирарди. Ҳозир у киши ҳам кичик синфдагиларга «дарс» бераётдилар. Биз Тошкентда, Самарқандда ўқитини орзу қиламиз. Аммо уз устимизда ишлаш учун имконият қайда? Китобни ҳам чала сотиб олдик. Пахта очилди. килосига 5 сумдан беришди. «Венетка» учун пахта териб пул йиғмоқчимиз...

Нилуфар Сиддиқова деган қизалоқ ҳам дугонаси Моҳидил Муродованинг арзини тўлдирди:

— Яқинда янги мактабга кучиб ўтдик. Аммо мактабнинг ҳалитдан зиналари ёрилган, деворлари кучган. Қишда совуқ, ёзда иссиқ эски мактабимиздан нолиб юрардик. Янги мактабимиз бу ҳолатда бизни қишдан қандай олиб чиқаркин-а?

Биз дугоналарнинг фикрларини баён қилиб, сарлавҳани бежиз «Моҳидилнинг дил сўзи» деб қўймадик. Сўз айтилгунча сенинг асиринг. Айтилдим, энди унга сен асирсан. Қани, охири қандай буларкин? «Ҳоким келади», деб мирзачўллик болалар ҳафта мобайнида кўчани қандай тозалашгани-ю, мактаб ўқитиш ишларига эътибор ҳақида мутахассислардан жавоб кутаемиз.

Посбонча

ЭГАСИ ЙЎҚ ВЕЛОСИПЕД МАШИНА ҲАЙДАШГА ЭРТА

Мактабдан қайтаётганимизда машиналар серқатнов катта йулда таниш велосипеднинг ағдарилиб ётганига кузим тушди. Атрофида икки-учта одамлар турибди. Тез-тез юриб уша ерга бордим. Асфальт қонга беланганди. Не кўз билан кўрайки, бу велосипед 8-синфда ўқийдиган акамники эди. Акамни эса касалхонага олиб кетишган экан. Аммо акажоним жуда кўп қон йўқотибдилар. Ҳатто касалхонагача етиб ҳам бормабдилар.

Бу воқеага бир неча йил булди. Агар улар тирик булганларида ҳозир 11-синфда ўқирдилар.

Ойим ҳам дадам ҳам жуда кўп маротаба тайинлашарди: «Велосипедни катта йулда ҳайдамагин», деб. Бироқ акам: «Бу йул текис», деб қулоқ солмадилар. Мана оқибати.

Онам бечора хужрада эгасиз қолган велосипедни кўрганлари сари кузларига ёш келаваради. Ахир акам уч қиз ичида ёлғиз ўғил эдилар.

Аммо бир нарсани жуда яхши биламанки, акажоним тирик қолганларида катта йулда бошқа велосипед ҳайдамаган булардилар.

Хуррият УМАРОВА,
Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги 3-мактаб ўқувчисини.

Дадамнинг «Жигули» машиналари бор. Уларнинг ёнларида утириб ҳайдашни урганиб олганман. Бир куни улар ухлаб ётганларида секингина машинага утирдим-да, калитни бурадим. «Бир маҳаллани айланиб келсам нима бўпти? Анови мендан бир синф юқорида ўқийдиган Дилшод доим адасининг «Тико»сини мақтаниб ҳайдаб юради-ку. Ҳамма болалар унга ҳавас қилишди. Мени ҳам куриб қўйишсин», деб уйлардим йулда кета туриб. Тезликни ҳам 60 дан ошириб юбордим. Маҳалла кўчалари торроқ эмасми, уч-тўрт ёшлардаги бола уйдан югуриб чиқиб қолса бўладими?

Муъжиза, ҳақиқий муъжиза юз берди. Қандай қилиб тормозни босганимни эслолмайман ҳам. Ҳайриятки, болага ҳеч нима қилмади. Фақат узимнинг бошим рулга қаттиқ урилди. Шундан бери бошим тез-тез оғриб турадиган бўлиб қолган.

Биз, ўқувчилар, айниқса угил болалар машина ҳайдашни жуда-жуда яхши кўраемиз. Бироқ бизнинг ёшимизда машинани бошқариш жуда эрта эканлигини кўпам ҳис қилавермаймиз.

Биз, ўқувчилар, айниқса угил болалар машина ҳайдашни жуда-жуда яхши кўраемиз. Бироқ бизнинг ёшимизда машинани бошқариш жуда эрта эканлигини кўпам ҳис қилавермаймиз.

Биз, ўқувчилар, айниқса угил болалар машина ҳайдашни жуда-жуда яхши кўраемиз. Бироқ бизнинг ёшимизда машинани бошқариш жуда эрта эканлигини кўпам ҳис қилавермаймиз.

Биз, ўқувчилар, айниқса угил болалар машина ҳайдашни жуда-жуда яхши кўраемиз. Бироқ бизнинг ёшимизда машинани бошқариш жуда эрта эканлигини кўпам ҳис қилавермаймиз.

Биз, ўқувчилар, айниқса угил болалар машина ҳайдашни жуда-жуда яхши кўраемиз. Бироқ бизнинг ёшимизда машинани бошқариш жуда эрта эканлигини кўпам ҳис қилавермаймиз.

Биз, ўқувчилар, айниқса угил болалар машина ҳайдашни жуда-жуда яхши кўраемиз. Бироқ бизнинг ёшимизда машинани бошқариш жуда эрта эканлигини кўпам ҳис қилавермаймиз.

Биз, ўқувчилар, айниқса угил болалар машина ҳайдашни жуда-жуда яхши кўраемиз. Бироқ бизнинг ёшимизда машинани бошқариш жуда эрта эканлигини кўпам ҳис қилавермаймиз.

Азизжон ИБОДОВ,
Собир Раҳимов туманидаги 22-мактаб ўқувчисини.

NAHOTKI O'SIMLIKLAR MUSIQA TINGLASA?

Yaqinda O'zbekiston televideniya'sida bir film berildi. Afsuski filmni yarmidan ko'rganim bois nomi va rejissorini bilolmadim. Ushbu maktubda film haqida batafsil yozmoqchi emasman, hatto uning qanday voqealarni hikoya qilishi ham men uchun qiziq emas. Sizga aytmoqchi bo'lganim filmda diqqatimni tortgan bir ko'rinish haqidadir. Qahramonning dalahovlisida gul yetishtiradigan issiqxonasi bor. U bo'sh vaqtini o'sha gulxonada o'tkazadi. Issiqxonada ishlari tugagach, mayin musiqa yozilgan kassetani magnitafonga qo'yib, ovozini o'rtacha qiladi-da, chiqib ketadi. Odatda biz mehnat qilayotgan paytimizda magnitafonni qo'yamiz. Bu ma'lum, chunki musiqa yordamida ishlaganingda charchaganingni bilmaysan. Lekin film qahramoni esa ishlari tigab, gulxonadan chiqib ketayotganida musiqani ochadi. Shu holat e'tiborimni tortdi. Nahotki gullar ham musiqa tinglasa? Mening sevimli gazetam sen bunga nima deysan?

Nasiba ORTIQOVA,
Farg'ona viloyati, Buvayda tumani, 5-maktab o'quvchisi.

O'SIMLIKLARNING HIS DUNYOSI

Ohang va musiqa o'simliklarga ta'sir qilarmikan? Ulardagi tovush qonuniyatini o'rganishning imkoni bormikan? Yoki bizga notanish bo'lgan u olamda har narsa

o'z holicha, aralash-quralash hukm surmoqdami?... Shu kabi savollar yillar davomida tadqiqotchilarni o'yantirib keladi. Aniq xulosalar yo'q, ammo ba'zi ma'lumotlar bor-ki, kishini o'ylashga majbur qiladi.

60-yillardan buyon o'simliklarning yashash tarzi «his va tuyg'ulari» bilan inson orasidagi ba'zi o'hshashliklarning mushohada etilishi bu mavzudagi tadqiqotlarni yana-da jonlantirdi. Botaniklar, o'simlik olamini yaqindan o'rganish maqsadida bir suv o'simligini olishibdi va unda 180 sm. uzoqlikdan tovush to'lqinlarini yuborib o'simlikdagi sitoplazma oqimini kuzatishibdi. Bu tajribada sitoplazma faqatgina quyosh chiqqandan keyingina harakatni boshlabdi. Kamon nag'masi go'yilganda esa bu harakat yana-da tezlashgani ma'lum bo'libdi. O'n brsh kun o'tgach musiqa ta'siridagi o'simlik, musiga qo'yilmagan o'simlikka nisbatan katta va quvvatli bo'lgani aniqlangan.

Tajriba laboratoriyadan uy sharoitiga ko'chirilgan. «Oyna go'zali» deb ataladigan gul bir xil sharoitli ikkita xonaga qo'yilib, birining yonida har kun ertalab 25 daqiqa musiqa eshittirildi. Bir oy keyin o'simliklar solishtirilganda musiqa «tinglagan» gulning sherigiga nisbatan 72 % ko'p yaproq yozgani va bo'yi ham 20 % ga ustunligi kuzatildi.

Olimlar chinnigullar o'sadigan issiqxonani ikkiga bo'lishib harorat va boshqa zaruriy jihatlarni bir xil qilishibdi. Faqat bir tomoniga yoqimli kuy ma'lum vaqt mobaynida eshittirilib turibdi. Oradan ko'p o'tmay farq yaqqol ko'rinibdi. Musiqa «tinglagan» gullar «qo'shnilariga» nisbatan seravj, baquvvat bo'lib, ranglari ham yogrin, tiniq holda ekan.

M. YO'LDOSHEV tayyorladi.



«Ойнаи Жаҳон» — болаларга

СЕШАНБА, 29 СЕНТЯБР

Ўз.ТВ. 1
9.00 «Ўзбекфильм» намойиш этади. «Миниатюра ранг пасвири». 10.05 «Ов» мультфильм. 10.25 Янги алифбони урганамиз. 10.55 «Оламга саехат». 12.05 Кундузги сеанс. «Қароқчи чоллар». Бадий фильм. 18.10 «Фил полвон оғриб қолди» мультфильм. 18.20 «Шоирлар болаларга». Курсатувда шоир Қамбар Отаев иштирок этади. 18.45 «Хунарманд» тележурнал. 19.05 «Қизилқум муъжизалари». 20.05 «Оқшом эртаклари».

ЧОРШАНБА 30 СЕНТЯБР

Ўз.ТВ. 1
9.05 «Алпомиш авлодлари» спорт дастури. 10.25 Алифбо сабоқлари. 11.10 «Акс садо». 11.40 Болалар учун «Мактублар — кабутарлар». 12.30 Кундузги сеанс. «Ғаройиб бола» бадий фильм. 14.10 «Еднома». Биринчи алифбо китобининг муаллифи Оқилхон Шарофитдиновнинг фаолиятига бағишланади. 18.10 «Саехат» мультфильм. 18.20 Болалар учун «Ҳа-ҳа-ҳа!» Ҳажвия, Ҳазил. Ҳангома.

18.45 «Меҳригё». 20.05 «Оқшом эртаклари».

Пайшанба, 1 Октябр

Ўз.ТВ. 1
8.25 Уқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти, «Туркистон» саройидан. 10.00 «Таъзим». 10.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Баҳовуддин Нақшбандий», «Хужа Аҳрор Валий». 10.55 «Камалак» болалар учун кинодастур. 12.40 «Мураббий». 12.55 «Баҳром ва Дилором» мультфильм. 13.05 «Янги авлод» қувноқлар ва зукколар. 15.50 Кундузги сеанс. «Душанбагача бир гап булар» бадий фильм. 17.45 Болалар учун «Аралаш». 18.10 «Устоз ва мураббий». Уқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланади. 20.10 «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ. 2 Ёшлар канали.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. «Буш утирма», мульттомоша. 18.40 Кутубхона.

Жума, 2 Октябр

Ўз.ТВ. 1
8.25 «Олам қушиққа тулсин». 8.55 «Маърифат маскани». 10.05 Немис тили. 10.35 «Эртақлар — яхшиликка этаклар». 12.05 Кундузги сеанс. «Табор қуқка интилади» бадий фильм. 14.10 «Бир сиқим тупроқ. Болалар учун. 18.30 Тилга эътибор. 20.05 «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ. 2 Ёшлар канали.

18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. «Олтин қалит». «Мульттомоша». 8.00 «Эя ва унинг дуслари ҳузу-

рида». 9.10 Туризм ҳақида. 18.05 «Ёрилтош» мульттуплам.

Шанба, 3 Октябр

Ўз.ТВ. 1
9.00 «Зиерат». 10.00 «Шоҳруҳ клуби». «Умид» намойиш этади. 10.40 «Шу Ватанга бордур менинг керагим». «Соғлом авлод учун». «Қушиғим, жон қушиғим». 12.00 Кундузги сеанс. «Кин дзадза» бадий фильм. 1-2 сериялар. 18.00 Мульттолам. 19.50 «Оқшом эртаклари».

8.25 «Камалак» болалар учун кинодастур.

9.40 «Ватанимга хизмат қиламан». «Нурли келажак». «Уйла, изла, топ!». 18.00 «Олтин тож». Телеуйин.

Душанба, 3 Октябр


Ўз.ТВ. 1
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади. «Олтин қалит», «Катта танаффус». 16.00 «Синдбод» телесериал. 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. «Бугуннинг боласи», «Мульттомоша». 8.00 Мультфильм. 10.35 Болажонлар экрани. 14.30 «Кузгу» тележурнал. 18.10 «Мультжумбоқ».

Сешанба, 5 Октябр

Ўз.ТВ. 1
20.10 «Оқшом эртаклари».

16.50 Мультсайера. *Азиз ўқувчилар, бу ҳафта сизлар учун тайёрланган курсатув, фильм ва мультфильмларимиз ана шулардан иборат. Курсатувларимиз ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг.*

Тоҳир МУЛЛАБОЕВ,
«Умид» Бош муҳарририятининг гуруҳ раҳбари.



ШИВИР ШИВИР

Бир бор экан, бир йук экану, узимизнинг замонда, чиройли хиебонда каттагина гулзор бор экан. Унда ҳар-хил гуллар усаркан. Наргис, чиннигул, тугмачагул. Улар орасида энг чиройли, танноз гул ҳам бор экан. У уз чиройини куз-кузлаб, мағрур боқар экан.

Тонг шабадаси гуллар юзини сийпаласа, эгилибоқ таъзим қилишаркан. Куёш нурида шабнам томчилар марвариддай товланар экан. Баъзан гулзорда шивир-шивир кучаяр экан. Атиргул бахмал куйлагини мақтар, тугмачагул эса унга кушиларкан.

Ҳамма чиройли гулга ҳавас билан тикиларкан. — Бунчаям куҳлик булмаса, — дейишаркан баъзилари, — у бизнинг фахримиз!

Лекин ҳамма ҳам шунақа деб уйлайвермас экан. Унга қараб бирининг ҳаваси келса, бошқасининг ҳасаддан юзлари қизариб кетаркан. Куп нарсалар каби гузаллик ҳам ўткинчи буларкан. Аста-секин уша кўркам гул сулинқириб, эътибордан қола бошлабди. Мақтовга урганиб қолган

эмасми, куйинавериб касал булиб қолибди. Иситмаси ҳам чиқибди.

Унга ёнгинасида очилиб турган соддагина кушнисининг раҳми келибди. Жажжи баргчаларида шифобахш сув илтиб, оғзига тутибди:

— Шуни ичиб юборинг, узингизни анча энгил сезасиз, кушни.

Куримсизгина кушнининг узига тенг куриб қилаётган муомаласидан хаста гулнинг жаҳли чиқибди:

— Вой, вой, нима қилаяпсиз? Олинг қулингизни! Ахир куйлагимни ҳул қилиб қуясизку! Доғ булиб қолса қандай қилиб тозалайман?

Кушниси бу гапларни

кунглига олмабди:

— Э, бор булинг-е, кушнижон, куйлак ҳам, чиройли тақинчоқлар ҳам топилади. Соғлик топилмайди, инжиқлик қилмасдан ича қолинг.

Дорини ичмаса булмаслигини билган мағрур гул ноилож кунибди. Кейин... бирпасда иситмаси ҳам қолибди, йутали ҳам. Аввалгидек жуда ҳам гузал булиб кетибди.

Ана шундан кейин икки кушни шундай аҳил булиб кетишибдики... Хуллас, шунақа гаплар... Дарвоқе, ширин суз, самимий, илиқ, муомалага нима етсин?



Биз севган ижодкор

ПИЧАН ҶРИМИДА

Тортар нигоҳни
Чўққилар, қаранг,
Шафтолизордек
Уфқ пушти ранг.
Бу демак куёш
Тушибди йўлга.
Биз ҳам чалғини
Олайлик қўлга.
Чўққилар оша
Жилмаяр куёш,
Уйғондингми, ҳой,
Мирафзал, Йўлдош?
Айтмоқчи эсда
Бўлсин қайроқтош.
Уйда қопти, деб
Қашимайлик бош.
Йўқ! Бири қўлда,
Қадамлар катта.
Дехқон фарзанди
Дехқон албатта.
Чалғини бошлаб
Чарҳлаб оламиз.
Тоғлар кўксиди
Ишга соламиз.
Пичанзор худди
Мавж урган денгиз.
Чалғи югурар
Унда бир текис.
Ухшаймиз эшкак
Эшаётганга.
Тўлқинлар билан
Келаётганга.
Тиниқ осмонда
Куёш чарақлар.



Тўлқин ИЛҲОМОВ

Қўлда чалғи ҳам
Кундай ярақлар.
Уни ерга ҳеч
Қўйгимиз келмас.
Куёш ҳам бизга
Қилади ҳавас.
Шамширдан ҳам тез
Чалғимиз дами.
Тоққа тенглашар
Пичан ғарами.
Урим биз учун
Бағишлар роҳат.
Толмасин қўллар,
Яшасин меҳнат!

ЧўНТАКДАГИ «ИККИ»

Яна кундалик дафтаримга «2» тушди. Тагин бун куриб оймнинг хуноблари ошиб кетмасин дедим-да, кундалик дафтардаги «2» ли варақни йиртиб шимимнинг чунтагига солиб қуйдим-да, узимни кучага урдим.

Қорним очмаганда шомда уйга кирардим. Яримта кулчани олиб яна кучани мўлжаллаган эдим ойм тухтатдилар.

— Кийимингни алмаштир, ювиб бераман, кир булибди-ку.

Айтганларини қилиб яна кучага шошилаётган эдимки: — Мана бу челақда сув олиб кел, — деб қолдилар.

Челақни жумрак тагига қуяман, лекин эс-хушим кучада.

— Ҳой, дарахларни суғораяпсанми?

Қарасам челақдан сув тошиб кетаяпти.

Жумракни бураб сув тула челақни тоғора ёнига келтириб қуяман.

— Тухта, — деб қолдилар яна ойм.

— Уф...

— Ҳа, нега «уф» лаяпсан?

— Узиз кучага чиқармаяпсиз-ку, қарашиб юборсам ҳам.

— Қарашмасанг ҳам майли, — лейдилар ойм, — лекин куриб кетгур «иккиларингни» йўқотадиган кун ҳам келармикин?

— Яна қайси икки?

Қай куз билан курайки, онамининг қулларида мен чунтагимга солган «икки» тушган кундалик варағи бор эди. Касални яширсанг, иситмаси ошқор қилади, деганлари шу булса керак-да.

Булутларга суқиб бош
Мағрур боқар Полвонтош
Нега номи Полвонтош?
Ўзинг айтиб бер, Куёш
Зар кокилларин тараб,
Куёш дер кулиб қараб.
«Бок, ёнингда сервиқор
Қадим, кўп йиллик чинор,
Негалигидан огоҳ
Шилдираётган ирмоқ.
Елларга ҳам аён бу,
Тошлардаги дoston бу.
Шоҳларини силкитиб —
Чинор гувлар тўғри деб,
Пилдираб чопган ирмоқ
Рост, деб чалар кўнғироқ,
Тасдиқлар уни хушҳол,
Эсаётган шўх шамол:
— Бундан кўп йиллар бурун
Бир қишлоқ бўлган
дуркун —
Деб ташлаганча соя
Чинор бошлар ҳикоя:
— Енимдан ўтган ирмоқ
Атрофни қилган гулбоғ
Кушлар сайрашиб янғроқ,
Жилдираб куйлаб ирмоқ,
Дехқонлар ўрган бугдой
Ўроқлари худди ой
Тандирларда хушбўй нон,
Кун — тун тинмай
тегирмон.
Тўкилган пешона тер...

Бир кун қимирлаб ер —
Чўнғ қоя кўчиб тоғдан
Ўтиб кетмай ирмоқдан
Тўсиб қўйибди уни
Оби ҳаёт йўлини

Кўтарибди мардона
Марду баҳодирона
— Сув йўли очилибди,
Нақ нурлар сочилибди,
Одамлар дебди: — Полвон

Олиб турганлар хабар,
Полвон тинглаб бу сўзни,
Ўнглаб олибди ўзни,
Яна у кучга тўлиб,
Дебди ёқимли кулиб:

Куйлаяпти гул, чечак,
Куйлаяпти келажак.
Қизча куйлабди қувноқ,
Овози нақ кўнғироқ:
— Сув келаро, сув келар,
Сувлар билан нур келар.
Сув йўлини очганлар,
Сувдайин сероб бўлар...
Лекин э, воҳ, ногаҳон —
Пайдо бўлиб бир илон,
Қизча йўлини тўсмоққа,
Унга оғу сочмоққа.
Шайланган экан ёмон,
Бир қўлини чўзиб полвон,
Илон бўйини қисибди.
Қоя уни эзибди,
Гурсиллаб йиқилса ҳам,
Аммо илонни маҳкам,
Кўймабди чангалидан
Кечса ҳамки жонидан,
Полвон бўлса-да, ҳалок,
Номи сақланибди пок.
Қишлоқдаги кекса, ёш.
Хув, чўққизга Полвонтош.
Деган ном қўйибдилар,
Эзгулик туйибдилар.
Куёш кўкда ловуллаб,
Азим чинор шовуллаб,
Кушлар куйлаб ҳавода
Ғир-ғир эсиб шаббода,
Ирмоқчалар чулдираб,
Йўлларида пилдираб,
Полвонни этаркан ёд,
Кўшиқ қоқаркан қанот.

ПОЛВОНТОШ

Қовжирабди майса, ўт.
— Ҳавода парча булут
Ёмғир ёғиб ўтгаймикан? —
Дея эл чекмиш фиғон,
Шунда халққа бир полвон
Дебди: — Покдур тилагим,
Бир синайин билагим.
Итқитай шу қояни —
Уриниб кўрай, қани,
Арслон қайтмас изидан
Йигит эса сўзидан...
Ниҳоят, ўша жойга
Қулаб тушган қояга
Юзма-юз турар ўғлон,
Ўғлонлар ичра Полвон.
— Тангрим ўзинг бер,
нажот, —
Дея кўрсатиб сабот.
Юрагида аланга
Зил қояни баландга

Сенга шараф, сенга шон!
Кўтардинг-а, нақ тоғни.
Лекин Полвон мақтовни
Кўтаролмай қоларкан,
Аста тойиб бораркан,
Кўриб бундайин ҳолни,
Дебди, митти чумоли:
— Кўтарсангиз ҳам тоғни,
Мағрур тикманг нигоҳни,
Берилмангиз кибрга,
Доим таянинг ерга,
Биз тортаётган дон ҳам,
Қоядан эмасдир кам,
Оғир ўз вазнимиздан
Биз қолишмаймиз сиздан,
Ҳатто Сулаймон подшо
Бўлмаганлар бепарво,
Бизни хўп сийлаганлар
Эзгулик тилаганлар,
Бўлсалар ҳам Пайғамбар

— Тўғри гап қандай яхши,
Кўнғилнинг гули, нақши,
Ҳамдардлик — гузал хислат,
Бўлмоғи керак одат.
Кўшиққа ҳам қиёсдур,
Кўнғилларда у ёздир,
— Кўшиқ... нима дегани?
— Унинг нима эканин,
Таърифлаш эмас осон,
У — дард, севинч,
бахт, армон,
Бир туйғуки мусаффо,
Билмас сарҳад, масофа,
Дилни дилга улайди,
Қалбни нурга чулғайди...
У шундай деб турганда
Пастда сув мавж урганда
Куйлаб, доира қўлда,
Қизча келарди йўлда,
Полвон дебди: — Кумурсқа,
Кулоқ солгин кўшиққа,

ВОҲИМЛИК «ШОИР БОЛА»

— Дунёда энг бахтли одамлар — шоирлар. Уртоқларим, маҳалладаги катталар «шоир бола» дейишса хурсанд бўлиб кетаман — дейди Маъруфхон.

— «Шоир бола» деб фахр билан айтишса керак-да!

— Албатта. Лекин мактабда айрим узини билмайдиган болалар «шоира» деб гашимга ҳам тегишади.

— Маъруфхон Фатхиддинов унинг узи ёганидек: «Истиқлол билан синфдош, яъни Риштон туманидаги 36-урта мактабнинг 8-синф укуччиси. У Фаргона вилояти ижодкор ёшлар уюшмаси томонидан утказилаётган анъанавий ижодкорлар танловининг 3 йилдан бери ғолиби бўлиб келмоқда. Унинг ажойиб шеърлари республика ва вилоят газета — журналларида чоп этилган.

— Болалар мактабда вақтларини бекорга сарфлашди. Бориб-келиш билан вақт утаверади. Кейин мактабни битириш яқинлашганда, олий укув юртлирига кириш учун пул тулаб тил урганадилар, ўқийдилар.

— Нима учун тил ўрганиш зарур деб ўйлайсан?

— Зарур-да. Олий укув юртига кириш учун, узингни ҳамма жойда эркин ҳис қилиш учун куп тил билиш, ҳеч бўлмаганда инглиз тилини билиш керак.

— Инглиз тили билан мактабдан ташқариям шуғулланасанми?

— Энди шуғулланмоқчиман. Менга мактабдаги рус тили дарслари ёқди. «Рус тили» опамиз — Кимёхон ая дарсни қизиқтириб, уйинлар уйнатиб утадилар.

— Уқитувчилик ҳам машаққатли касб..

— Билмасам. Лекин менимча

энг қийин касб — журналистлик.

— Нима учун?

— Тушунтириб беролмайман.

— Узинг ким бўлмоқчисан келажакда?

— Журналист. Бошқа касбларни ҳаммаям эгаллаши мумкин.



Мен эса қийинга ҳаракат қилиб кураман.

— Мана орзикиб кутган ёзги таътилларинг ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетди, бугун яна ўқиб. Ёзда қалай дам олдинг?

— Ҳа, ёзда маза қилдик!

— Қаерда дам олдинг?

— Уйда. Бизда, қишлоқда, болалар камдан-кам лагерларга борадилар. Чорбоғимизда акамлар билан ишладик, анҳорда маза қилиб чумилдик. Кун иссиқ пайтлари ҳовлимизда, салқинда китоблар уқидим.

— Нечта китоб ўқидинг?

— Бир неча эртак китоблар, «Робинзон Крузонинг саргузаштлари»... Уйда китобларим куп.

— 8-синф учун дарсликлар сотиб олдингми?

— Ҳа, бу йилдан китоблар пулли бўлибди. Шунисиёям яхши.

— Нега энди? Олдин буну китобларни бемалол мактаб кутубхонасидан олиб ишлатаверар эдинглар. Энди унга пул тулаш ке-

рак...

— Йук, аксинча, ҳамманинг уз китоби булади, узиники булса йиртмайди, чизмайди. Укаларига олиб қуяди. Ҳаммадан ҳам йил охирида китобларни йиғиб олишгани ёмон. Ҳар сафар топширгим келмас эди.

— Китобни ҳақиқатан ҳам яхши кўрар экансан-а?

— Ҳа, жудаям. Агар менга сеҳргар учраб қолса, купгина китоб сураган булардим.

— Нима, бошқа орзуинг йўқми?

— Бор. Лекин бехосдан мамлакатнинг Президенти бўлиб қолсам-у, нима қилишга ақлим етмай турса, яхшими? Китобларни ўқиб, аста-секин олим ҳам, Президент ҳам бўлишим мумкин.

— Маъруфхон, энг яхши кўрган шеърингни айтиб бер.

— Мен узимни ҳазил шеърларимни купроқ ектираман, лекин ҳозир қишлоғим ҳақидагисини айтиб бераман:

— Ватанимга ярашган Менинг гўзал паноҳим. Дўстлар қулиб қарашган, Она кишлоғим — Воҳим...

Маъруфхон берилиб шеър уқир экан шу миттигина жуссали, гапдону қайсар тенглопингизнинг уз она кишлоғига булган ажойиб меҳридан ҳайратта тушаман.

— Қайга борсак меҳмонга, Теъда қайтиб келамиз. Воҳимликлар Воҳимни Шундай қаттиқ севамиз.

— Орзуларинг барчаси ўз рўёбини топсин, ўқишларинг ва ижодинг доимо «беш» бўлаверсин!

НАРГИЗА ҚОСИМОВА сўхбатлашди.

— Йук, энди тайерлайман.

— Менга бувимнинг занжири керак эмас. Сен олақол.

— Вой, менгаям керакмас, —

Сигир бечора қозиқни гир айланар, қочиб кетолмасди.

— Ҳой нима гап, — ичкаридан Райхон холянинг овози келди.

Билма занжир

жаҳли чиқсаём узини аранг тутди Зухра. — Фақат ота-онамиз йўқлигини билдирмайлик дейманда, опагон. Бу ёқда бувим ҳам хафа бўлмасинлар-да.

Фотима пиела-ю, чойнақларни бир-бирига уриб, тақиллатиб дастурхонга қўйди, тақиллатиб нон ташлади. Ҳали яхши қайнамаган чойни дамлади.

Буларнинг ҳаммасини айвондан белини офтобга тоблаётган Райхон хола қуриб ётарди.

Зухра бувиси ва опачасига ибоб билан чой қуйиб узатди. Фотима булса апил-тапил чой ичди-ю, дарс қиламан деб уз хонасига кириб кетди. Зухра бундоқ муралаганди, у тирноқларини буйаб утирган экан. Синглиси эса сочларини қайта турмақлаб румол ураганича ҳовлини ёғ тушса ялағудек қилиб супуриб чиқди. Кейин сигирбузоқнинг емини, сувини берди.

Кеч бўлди. Анча толиққан Зухра опачасига сигир соғишимга қараб туринг, қоронгуда қўрқаман, деб илтимос қилди.

— Шунгаём икки киши борадими? — жеркиб ташлади Фотима.

— Қўрқоғ-э.

У синглисининг қўлидаги челақни юлқиб олди-да, оғилхона томон югургилаб кетди. Бироздан сунг бир нарса тақ этди-ю, «вой» деган овоз эшитилди. Зухра чошиб борса опачаси ерда йиқилиб ётипти, енида сути тўкилган челақ.

— Ҳа, қуриб кетгур-а, — мушглай кетди Фотима сигирни, — сенми менга жаҳл қиладинг.

— Нималигини билгач суради. — Биронтанга шикаст етмадим ишқилиб. Йук, деган жавобни олиб, етган жойида насиҳат қила кетди.

— Қайси биринг соғсанг ҳам молни силаб сийпаб соққин. Мол ҳам тилсиз жонивор ахир.

Шундан кейин Фотима овқат қилмай қуяқолайлик, — деди синглисига, — озиш узи ҳозир мода-ку, Зухра ялингансимон бувим учун овқат қилмасак бўлмас, кексалар-да, — деди. Кейин бир ширин шурва пиширдикки, аста қуяверасиз. Райхон хола қулинг дард кўрмасин, деди.

Шу тариха бир ойга яқин вақт ўтиб кетди. Райхон хола кутда нари борса айвондан чиқа олмагани, невараларидан алоҳида хонада яшаётгани учун ким нима иш қилаётганини аниқ била олмасди. Шунинг учун ҳам угли билан келини саёхатдан қайтишига бирикки кун қолганида невараларини чақириб «сандиқ устидаги курпа-ю, курпачаларни туширтирди. Айниқса, Фотиманинг тез ҳаракат қилаётганини қуриб, барака топ чаққон қизим, деб мактаб қўйди. Бунга сайин у бувисини қучоқлаб, ушиб туймасди.

Нихоят кампир сандиққа катта қалит солди. Бирдан мусиқа овози эшитилиб, қизлар ханг-манг бўлиб қолишди. Худди эртақлардагидек хазина эшиги очилаётганга ухшаган овоз эди бу.

Аввал сандиқдан турли газламалар чиқди, Райхон хола уларни бирма-бир инқиллаб тахлай бошлади. Кейин... кейин Фотиманинг кузлари уйнаб кетди, сандиқ тагида ялтираганича тилла занжир ётар-

УСТОЗНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

Илк бор қадам қўйганимда,

Шу азиз даргоҳингга.

Кучоқ очиб кутиб олдинг,

Олдинг ўз паноҳингга.

Ўргатиб ҳуснихатни,

Янграгансиз шўх созим.

Ҳижжалаб Ватан сўзин,

Ўқитгансиз устозим.

Бугун юртим мустақилдир,

Янграр шўх-шўх овозим.

Сиз бир, Она, Ватан бир,

Бор бўлинг сиз, устозим.

Сиз дунёда тенги йўқ,

Муаллимсиз меҳрибон.

Сиз кулсангиз дунё ҳам,

Бўлиб кетар чароғон.

Сиз оламнинг гулисиз,

Сиз қўёшнинг нурусиз.

Сиз берган одоб-ахлоқ,

Бизга бўлади сабоқ.

Муаллимсиз онасиз,

Мингдан ошди ўғил-қиз

Сиз дунёда тенги йўқ,

Қолдирдингиз ўчмас из.

Нигора СОИПОВА,
Туроб Тўла номли ўрта мактабнинг 6-«А» синф ўқувчиси.

Дилфуза ХОЛМАТОВА,
Жиззах вилояти, Жиззах тумани Орифжон Икромов номли 4-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси.

ди. Фотима уни дарров олди-ю, буйнига тақиб, нариги хонадаги тошойна томон югурди. Бувисига на раҳмат айтди, на урин-қурпани йиғишга ердламлиши.

Зухра булса, ярашибди, опажон, деб жилмайиб турарди. Райхон хола Зухрани олшига чақирди-да, қучоқлаб олди, бахтли бўлинглар болам, ҳамма юмушни сен қилган-

сан шекилли, деди. Зухра эса йук, опа-сингил иккаламиз қилдик, деди нукул. Райхон хола, ҳаммасини билиб, кунглим қузидан утказиб ётардим, деди. Кейин сандиқ остидаги сунгити юпқа газламани кутариб, бошқа бир занжирни олди-да неварасининг буйнига тақиб қўйди.

— Буюрсин, — деди у кузлари ешланиб, — яхши кунларингга тақиб юргин. Зухра бир-оз ўйланиб турди-да, занжирни буйнидан олиб бувисига узатди.

— Мен ҳали кичикман-ку, унингчини битирганимдан кейин уз қулингиз билан тақиб қуясиз, — деди жилмайиб.

Райхон хола. «Вой, унгача борманми, йўқманми», демоқчи эди-ю, айтолмади. Неварасини хафа қилгиси келмади-да, Уша кунларга етиб борай, деб дуо қилди.

Абдусаттор ХОТАМОВ



ТОНГ ЮЛДУЗИ
Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙУЛДОШЕВА, Хотам АБДУРАИМОВ, Илқаб ЮСУПОВА, Дадахон ЁҚУБОВ, Иноят АБДУСОАТОВА, Сувнатилла ҚУЗИЕВ, Мукаррама МУРОДОВА, Феруза ОДИЛОВА.

«ЕШИҚТИСОДЧИ»
ИЛОВАСИНИТАЙЕРЛАГАНЛАР:
Музаффар ПИРМАТОВ,
Равшан ҚАМБАРОВ,
Махдиё МИРСОАТОВА,
Гулнора МУҲАМЕДОВА.

IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г-0247. 46.496 нусхала босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00 Топширилди — 18.30 Навбатчи Феруза ОДИЛОВА

• Руйхатдан утиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563

• **Телефон:**
• 1-33-44-25
• 1-36-57-91
• 1-36-54-21